SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

■ 2003-YIL ■ 1-FEVRAL ■ SHANBA ■ 13-14 (27.034) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

БАРКАМОЛ АВЛОД ОРЗУСИ

Мамлакат умиди, миллат таянчи

Билимга чанқоқ, истеъдодли ёшларни топиб, уларни Ватанга фидойи инсонлар қилиб тарбиялаш муқаддас вазифадир

Озодлик овози, истиқлол ниҳоллари бўлган бугунги ўзбек ёшлари, таълим тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар натижаларидан ушбу соҳага кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликлардан баҳраманд бўлмоқдалар.

Билим инсонни буюклик мартабасига етказувчи, руҳиятида рангин туйғулар уйғотувчи, Ватанига, халқига садоқат, муҳаббат туғёнларини тўлқинлантирувчидир. Билим эгаллаш йўлида ташланган қадам инсониятни ёвузликдан, қабоҳатдан асраб қолади. Таълим тизими ривожи йўлида сарфланган маблағлар эртага жаҳон жамоатчилигини ҳайратлантирадиган ихтиролар, кашфиётлар, илмий-тадқиқотлар бўлиб мамлакат қудратини, шон-шуҳратини янада юксалтиради.

Собир Раҳимов туманидаги академик лицейи Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети қошида 1999 йилда ташкил этилган. Ҳозирда бу ўқув муассасасида ижтимоий-гуманитар ва аниқ фанлар йўналиши бўйича 270дан ортиқ ўқувчи таълим олмоқда. Академик лицейда фан йўналишлари бўйича дарслар университет олимлари томонидан олиб борилмоқда. Уч нафар фан доктори, профессорлар, ўн уч нафар фан номзодлари, доцентлар ёшларга илм сирларини ўргатмоқдалар.

Жаҳон андозаларига тўлиқ жавоб берадиган ўқув ҳамда компьютер хоналари, техника жиҳозлари, кутубхона илм толиблари хизматида. Шундан бўлса керак, лицей талабаларидан бир гуруҳи республика олимпиадаси ва илмий анжуманларда ғолиб бўлдилар.

Академик лицейнинг бир неча илмий-тадқиқот институтлари билан алоқаси яхши йўлга қўйилган. Бунинг натижасида талабалар томонидан олиб борилган жажжи тадқиқотлар республика нашрларида эълон қилинмоқда. Лицей битирувчиларининг асосий қисми мамлакатимизнинг нуфузли олий ўқув юртларида ўқишларини давом эттирмоқдалар.

Мамлакат умиди, миллат таянчи бўлган фарзандларимиз Юртбошимиз айтганларидек: биздан кўра билимли, кучли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт.

Фаррух ҲАМРОЕВ



Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

Самимий табриклар

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга таваллудининг 65 йиллиги муносабати билан хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, жамоат ташкилотлари раҳбарларидан табрикномалар келиши давом этмоқда.

Уларда Президентимизнинг давлат раҳбари сифатидаги фаолиятига юксак баҳо берилиб, мамлакатимиз истиқлолга эришиши, иқтисодий ислоҳотларнинг амалга оширилиши, халқаро майдонда юртимиз нуфузининг ошиши, Марказий Осиёда барқарорлик ва хавфсизликнинг таъминланиши Ислом Каримовнинг номи билан бевосита боғлиқ эканлиги таъкидланади.

Польша Республикаси Президенти Александер Квасневский, Руминия Президенти Ион Илиеску, Грузия Президенти Эдуард Шеварднадзе, Қирғизистон Республикаси Президенти Асқар Акаев, Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмонов, Россия Федерал йиғини Федерация Кенгаши Раиси Сергей Миронов, Тошкент ва Ўрта Осиё Митрополити Владимир, Россия Федерацияси Хавфсизлик кенгаши котиби Владимир Рушайло, Япония Либерал демократик партияси Сиёсий кенгаши Раиси Таро Асо, Япония парламенти депутати Йоширо Мори, Япония Янги консерватив партияси раиси Хироши Кумагаи, Москва шаҳри мэри Юрий Лужков, Свердлов вилояти губернатори Эдуард Россел, М.Ломоносов номидаги Москва давлат университети ректори, академик Виктор Садовничий, Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академияси президенти Виталий Видяпин, Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академиясининг Халқаро фахрий фан докторлари клуби президенти Улф Ханнинг, «Интерфакс» ахборот агентлиги бош директори Михаил Комиссар, Россия Федерацияси Савдо-саноат палатаси президенти Евгений Примаков, Россия Федерацияси ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари Вячеслав Трубников, Давлатлараро авиация қўмитаси раиси Татьяна Анодина, Касаба уюшмалари умумий конфедерацияси раиси Владимир Шербаков, Россия Федерацияси Миллий телерадиоузатувчилар уюшмаси президенти Эдуард Сагалаев ўз табригини йўллади.

Табрикномалар келиши давом этмоқда.

Ўзбекистон – Украина қўшма комиссияси мажлиси

Жорий йилнинг 29-30 январь кунлари Киевда ҳар томонлама ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон – Украина қўшма комиссиясининг навбатдаги бешинчи мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон ва Украина бош вазирлари раислик қилди. Ҳамкорликнинг анъанавий юқори даражаси, унинг ўзаро манфаатли хусусиятга эга эканлиги таъкидланди.

Шу билан бирга фойдаланилмаётган жиддий имкониятлар мавжуд, минтақалараро даражада ҳамкорлик етарлича ривожланмаяпти. Мажлисда икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш ва чуқурлаштиришга доир чора-тадбирлар белгиланди.

Ҳукуматлараро комиссия иши якунларига кўра баённома имзоланди. Шунингдек, Тошкент юридик институти ва Я.Мудрий номидаги Украина Миллий юридик академияси ўртасида ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланди.

(ЎзА)

Ҳамкорлик ривожланади

Мамлакатимиздаги кенг қамровли ислоҳотлар чуқурлашган сари демократиянинг муҳим унсурларидан бири – сиёсий партияларнинг жамиятдаги ўрни ва аҳамияти ошиб боради. Бошланган парламент ислоҳоти муносабати билан бу ҳақиқат янада ойдинлашди. Аммо, афсуски, Юртбошимиз тўғри таъкидлаганидай, биздаги сиёсий партиялар ҳозирча мўрт ва заиф ҳолатда бўлиб келмоқдалар.

Албатта, бундай ҳолатдан чиқиш, биринчи навбатда, ўзларига боғлиқ эканлигини яхши тушунган сиёсий партиялар уни бартараф қилишнинг чораларини изламоқдалар, ушбу соҳадаги халқаро тажрибани диққат билан ўрганмоқдалар. Бу ишда Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган Германиянинг К.Аденауэр номли фондининг беғараз кўмаги уларга қўл келмоқда. Унинг саъй-ҳаракатлари билан ўтган йилнинг ўзида барча вилоятларда минтақавий семинарлар, Тошкентда конференция ва давра суҳбатлари ўтказилди, баҳс-мунозаралар уюштирилди, сиёсий партияларнинг вакиллари Германиядаги ижтимоий-сиёсий аҳвол ва сиёсий партияларнинг фаолияти билан ўша ернинг ўзида танишиш имкониятига эга бўлдилар.

Кеча мазкур Фонд мамлакатимиз сиёсий партиялари билан биргаликда яна бир жиддий тадбир ўтказди. Тошкентдаги янги «Пойтахт» меҳмонхонасининг конференц-залида «Ўзбекистондаги сиёсий партияларнинг истиқболлари» мавзуида «думалоқ стол» атрофида учрашув бўлиб ўтди. Унда иштирок этган сиёсатчилар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари, К.Аденауэр фонди ҳамда мамлакатимиздаги барча сиёсий партиялар раҳбарларининг қисқача кириш сўзларидан сўнг, сиёсатшунослар А.-М.Кессер хоним(ГФР) ва М.Ельшовларнинг «Ҳокимиятлар бўлиниши: Германиядаги ҳозирги шароитда сиёсий партияларнинг ўрни», Ўзбекистон Республикасининг «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонуни ҳақидаги маърузаларини тингладилар. Шундан кейин бўлиб ўтган очиқ мулоқотда республикамиздаги сиёсий партиялар олдида турган долзарб муаммолар ва уларни ечиш йўллари хусусида фикр-мулоҳаза юритилди. Сиёсий партияларнинг, илғор мамлакатлар тажрибасига таянган ҳолда, кенг қанот ёзаётган парламент ислоҳотида фаолроқ иштирок этишлари, унинг жараёнида ўз мавқеларини мустаҳкамлашлари лозимлиги таъкидланди.

Учрашув К.Аденауэр номли фондининг Марказий Осиё бўйича минтақавий мухтор вакили Томас Кунце, «Адолат» Ўзбекистон СДП Сиёсий Кенгаши биринчи котиби Т.Даминов, Ўзбекистон Миллий тикланиш ДП Марказий Кенгаши раиси И.Ғофуров, Ўзбекистон «Фидокорлар» МДП Марказий Кенгаши биринчи котиби А.Турсунов ва Ўзбекистон ҲДП Марказий Кенгаши биринчи котиби А.Жалоловлар томонидан мазкур Фонд билан ҳар бир сиёсий партиянинг ўзаро ҳамкорлиги тўғисидаги икки томонлама битимларни имзолаш билан якунланди. Бу билан К.Аденауэр фонди минтақавий ваколатхонаси ва мамлакатимиздаги сиёсий партияларнинг биргаликдаги хайрли ишлари янги босқичининг ҳуқуқий негизи яратилди. Демак, самарали ҳамкорлик янада ривожланади.

Ўзбекистн ХДП МК матбуот хизмати

Азим СУЮН

ЎЗБЕК ЁШЛАРИ

Биз ўзбек ёшлари, Ватан ёшлари,
Ватан тақдирига тақдирдош насл.
Миллатнинг бир жону бир тан ёшлари,
Буюк келажакка дахлдор, масъул.
Мардона-мардона ташлайлик қадам,
Озод Юрт, обод Юрт бўлсин мукаррам.

Ота-боболардан жасорат мерос,
Барҳаёт шонлари, улар кимники?
Номуси, виждони, эътиқод-ихлос,
Барчаси бизники, барчамизники!
Мардона-мардона ташлайлик қадам,
Озод Юрт, обод Юрт бўлсин мукаррам.

Она-Ўзбекистон йўли порлоқ, оқ,
О, унинг эртаси ўзимиздадир.
Абадий порласин муқаддас Байроқ,
Эл-юртга қўлимиз кўксимиздадир!
Мардона-мардона ташлайлик қадам,
Озод Юрт, обод Юрт бўлсин мукаррам.

Бизнес Банк
энг яхши анъаналарда
BUSINESS BANK

Марказий Осиё мамлакатлари ва хориж сармояси

Пойтахтдаги «Шодлик палас» меҳмонхонасида «Иқтисодиёти ўтиш даврида бўлган мамлакатларда иқтисодий ислоҳотлар ва хорижий сармояларни жалб этиш жараёни: ўтмиш сабоқлари ва Марказий Осиёнинг ривожланиш истиқболлари» мавзуидаги икки кунлик халқаро конференция якунланди. Ушбу тадбир Иқтисодий тадқиқотлар маркази (ИТМ) томонидан БМТ Ривожланиш Дастури ва Ўзбекистон Республикаси ҳукумати шафеълигида ташкил этилди.

Анжуманда Марказий Осиё мамлакатлари ҳукуматлари, БМТ Ривожланиш Дастури, хусусий сектор вакиллари, Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларидан ташриф буюрган иқтисодиёт масалалари билан шуғулланувчи халқаро экспертлар, шунингдек, техник ҳамкорлик бўйича халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Ялпи мажлислардан ташқари конференция иштирокчиларини қизиқтирадиган барча мавзулар бўйича норасмий мунозаралар ва маслаҳатлашувлар ўтказилди. Биринчи кун охирида конференция қатнашчилари «Кабул-Ўзбек Ко ЛТД», «Шайхонтоҳур текстил» қўшма корхоналари, «Файз» холдинг компанияси, «Пахта-банк» акционерлик-тижорат банки, «Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий суғурта компанияси ва «Барака» лизинг компанияси каби етакчи корхоналарга ташриф буюришди.

Конференциянинг айнан Ўзбекистонда ўтказилиши юксак геоиқтисодий ва геосиёсий салоҳиятга эга мамлакатимиз ва минтақамиздаги бошқа давлатларга жаҳон ҳамжамиятининг эътибори йилдан-йилга кучайиб бораётгани билан изоҳланади. Мамлакатимизда ва минтақа давлатларида иқтисодий муаммоларнинг ҳал этилиши – макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий тараққиётга эришиш орқали аҳолининг реал даромадини ошириш – минтақада ижтимоий ва сиёсий барқарорликка эришишнинг энг муҳим омилидир. Шу сабабли минтақамиз давлатларида ислоҳотларни чуқурлаштириш ва уларнинг жаҳон иқтисодиётига интеграцияси халқаро ҳамжамият томонидан фаол қўллаб-қувватланмоқда.

Конференция иштирокчилари иқтисодиёти ўтиш даврида бўлган мамлакатларнинг хориж инвестициясини тўғридан-тўғри жалб этиш, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва молия соҳасини ислоҳ қилиш борасидаги илғор тажрибаси ҳамда уни Марказий Осиёдаги шароитга мослаштириш борасидаги таклифлар билан танишди.

Конференция якунида минтақа мамлакатлари ҳамкорлигини ривожлантириш ва кенгайтириш, уларнинг божхона ва солиқ қонунчилигини мувофиқлаштириш, ягона иқтисодий ҳудуд яратишга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилди. Шунингдек, ёқилғи-энергетика саноатига, энергия таъминоти объектларини қуриш ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳасига хориж сармоясини жалб этиш зарурлиги қайд этилди.

Конференцияда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси В.Голишев қатнашди.

(ЎзА)

Наврўз шукуҳи

Навоий вилоятининг шаҳар ва туманларида бу йилги Наврўз байрами шодиёналарини кўтаринки руҳда ўтказиш мақсадида тайёргарлик ишлари кенг кўламда бошлаб юборилди.

Навоий, Кармана, Зарафшон шаҳарлари, Навбаҳор, Хатирчи, Нурота туманларининг қатор маҳаллаларида ўтказилаётган ҳашар ишлари бунга яққол мисолдир.

Вилоят «Маънавият ва маърифат» маркази ходимлари шаҳар ва туманларда бўлишиб «Истиқлол ва маънавий тараққиёт», «Миллий қадриятларимиз билан фахрланамиз» мавзуларида очиқ мулоқотларни фаол ўтказишмоқда.

Бундан ташқари, вилоят Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳамда «Камолот» ЁИҲ вилоят ва шаҳар бўлимлари ҳамкорлигида ўсмирлар ўртасида кураш бўйича вилоят чемпионати ўтказиш ҳамда улоқ мусобақаси ташкил этишга ҳозирлик кўрилмоқда.

Умид, ишонч ва ҳурсандчилик, юрт тинчлиги, эл фаровонлиги Наврўз байрами билан ҳамоҳангдир.

Ўткир ПЎЛАТ

Диққат!

«Ўзбекистон овози»нинг навбатдаги «Сиртқи қабул соатлари»

Ижтимоий таъминот ва меҳнат масалалари бўйича саволларингиз борми?

Агар сиз мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида аҳолининг ижтимоий муҳофазаси, таъминоти, меҳнат шароити, берилган ҳуқуқ ва имтиёзлари борасида ҳукуматимиз олиб бораётган сиёсат, шунингдек, пенсия, нафақа, стипендия, моддий ёрдам, иш стажи, хорижга бориб ишлаш тартиблари ва шу сингари масалаларда саволларингиз, таклиф-мулоҳазаларингиз бўлса навбатдаги **СИРТҚИ ҚАБУЛ СОАТЛАР***имизга марҳамат!*

Сизни қизиқтирган барча саволларга Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири **Оқилжон ОБИДОВ** *жавоб беради.*

Саволларингизни хат, шошилинчнома, факс ёки телефон орқали беришингиз мумкин.

Манзилимиз: 700000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, **«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»** *газетаси таҳририяти.*

Телефонлар: *133-20-36, 133-12-56,*
факс: *133-47-80.*

Саволларингиз 10 февралга қадар қабул қилинади.

Амалдаги ватанпарварлик

Аскар бу — ота-онасининг таянчи, ака-укалари, опа-сингилларининг ишончи, қариндош-уруғлари, маҳалладошларининг фахри.

Аскар бу — Ватаннинг амалдаги ватанпарвари. Ватаннинг тинчини ўйлайди. Устида ҳарбий либос, қўлида қуроли — автомат. Чарчаш унга бегона, уйқу унга ёт. Қадамлари дадил. Нигоҳлари ўткир. Вазифаси: ҳушёрлик ва яна ҳушёрлик.

«Йигит омон бўлса хавфу хатар йўқ», дейди шоир. Йигит ким? Аскар-да!

Бугун биз шод юрак билан мустақиллигимизнинг ҳар бир куни, ҳар бир ойи, ҳар бир йилини ўтказар эканмиз, ўз миллий армиямизга эга бўлганимизни дадил, баралла айта оламиз. Қуролли Кучларимиз сафида севимли фарзандларимиз, асл ўғлонларимиз Ватан ҳимоясида собит туришибди.

Шуниси қувончлики, мустақил Ўзбекистонимизнинг аскари ким учун хизмат қилаётганини, нимани қўриқлаётганини жуда яхши билади. Эл ҳаловати унинг қўлида, юрт осойишталиги унинг қўлида. Билагида тоғни урса талқон этадиган куч, юрагида Ватанга садоқат бор. Аскарнинг кучи, аскарнинг садоқати — Ватаннинг қудратидир. Бу куч, бу садоқатни енгиб бўлмайди, унга дахл қилганлар ер билан яксон бўлади. Тошкент, Сурхондарё вилоятларининг тоғли туманларида юз берган воқеалар фикримизнинг исботидир.

— Мен, — дейди оддий аскар Азиз Абдукаримов, — Қўқон шаҳридан бўламан. Отам Ғанижон Абдукаримов ҳайдовчи, онам Тўлғоной Абдукаримова уй бекаси. Улар иккаласи ҳам менинг аскар бўлганимдан беҳад хурсанд.

Азиз устига ҳарбий либос кийган дастлабки кунларданоқ аскарий ҳаётга мослашди. Сабаби у жисмонан бақувват, мактабда яхши ўқиган, оилада яхши тарбияланган йигит эди-да.

— Хизматга келиб кўп дўстлар орттирдим — дейди у. — Сафдошим, дўстим кичик сержант Баҳром Тоштемиров Қашқардарёдан. Оддий аскар Абдурауф Зулумов эса Андижондан бўлади.

Бизнинг бахтимизга кўз олайтираётганлар, тош отмоқчи бўлаётганлар муносиб жавоб олишади. Бизнинг аскарий маҳоратимиз, жанговар тайёргарлигимиз талаб даражасида.

Бугун аскар бўлиш бахтига ҳамма ҳам эришаётгани йўқ. Аскар бўлган асл ўғлонлар армия мактабида камол топмоқда. Ватан ҳимояси йўлида хизмат қилиш, аскар бўлиш амалдаги ватанпарварликдир.

Абдураззоқ ОБРЎЕВ,
ҳарбий журналист

Суратда: *оддий аскар Азиз АБДУКАРИМОВ*

✧✧✧

Александр МРУЧАК олган сурат

«Гулистон»да саломатлик маскани

Вобкент туманида саломатлик масканлари яна биттага кўпайди. «Вобкент» ширкат хўжалигининг «Гулистон» маҳалласида янги қишлоқ саломатлик маскани биноси фойдаланишга топширилди. Эллик беморга хизмат кўрсатувчи бу маскан 10 миллион сўмлик замонавий тиббиёт ускуналари ҳамда умумий амалиёт ҳакимларига эга.

Даврон БАҲРОНОВ

Паланг кезган

ТАШВИШ ЗИЛ-ЗАМБИЛ. ИМКОНИЯТЛАР

Ҳаёт тўхтамайди, кутиб ҳам турмайди. Агар таъбир жоиз бўлса, асрлар бўйи оқаётган тоғ дарёларининг шиддати бор унда.

Бу Қашқадарё вилоятида кейинги пайтда юз бераётган воқеаларга ҳам даҳлдор. Боиси, қор остида қолиб кетган юмушларни бажаришга киришилган. Буйруқбозлик билан эмас, ташаббус кўрсатиб ишлашга даъват кучаймоқда. Китоб туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Луқмон Ғаффоров билан шулар хусусида суҳбатлашиб, асл муддаомизни айтдик.

— Газетага шикоят ёзишибдими? — сўрайди ҳеч ажабланмай Луқмон Ғаффоров. — Биттаси паррандахона машмашаси, иккинчиси раиснинг устидандир. Топдимми? Улар кўп бора текширилган. Менинг фикрим шундай: олти-етти йилдан буён Абдуҳомид Воҳидов «Паландара» ширкатига яхши раҳбарлик қилаяпти, одамлар уни қўллайди. Ёзаётганларнинг ўз манфаати бор. Майли, боринг, сизга Қиёмиддин Самадов ҳамроҳ бўлади. Фақат шуни унутмангки, ер ҳақиқий тадбиркор ва тер тўкиб ишлайдиганники. Бугуннинг талаби шу...

Эрталаб туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғининг иқтисод бўйича ўринбосари Қиёмиддин Самадовнинг анча уринган машинасида тоғлар сари йўл олдик. Тонг отган, аммо қуюқ туман сира тарқамасди. Тўсатдан атроф ёришди. Биз табиат ҳодисаси — пастликда туман сузаётгани, чўққилар ортидан қуёш кўтарилаётганини кузатдик. Қир-адирлар, боғ ва токзорлар. Тоғ йўлини қишлоқ подаси тўлдирган.

— Бу тоғларда яшаш машақкатли, — дейди Қиёмиддин ўйчан. — Яйлов кўп, асосий даромад чорвадан. Дарёлар кичик. Боғларга сув етмайди. Қурғоқчиликда лалми ерлар қақрайди...

«Паландара» ширкати, Китоб ва Жовуз ўрмон хўжаликлари, геология қўриқхонаси қарор топган, 16 минг нафардан ошиқ аҳоли истиқомат қилаётган тоғ қишлоқларига Юртбошимиз ҳам келганлар. Бу ҳудуддаги аҳолига керакли шароитни яратиб беришга ҳақиқий эътибор асли у киши вилоятга раҳбарлик қилган кезларда бошланган. Кейин ҳам хабардор бўлиб турдилар. Республика Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан юксак чўққиларга ёндош айрим қишлоқларга электр симлари тортилди. Телекўрсатувларни узатадиган кучли ускуналар ўрнатилди. Ширкатнинг 2-бўлимига қарашли қишлоқларга қувур орқали 7,5 километрлик масофадан ичимлик суви келтирилди. Ўтган йили Ошқон, Сумак қишлоқлари ўртасида артезиан қудуғи қазилди. Одамлар аҳил ва ҳамжиҳат. Бироқ бир неча ойдан буён «ёз-ёзлар» тинмаяпти. Нега?

Идора иккита кичик бўлимнинг қоқ ўртасида экан. Ширкат раиси Абдуҳомид Воҳидов биз йўқлаган кишиларга машина жўнатди. Кутиб ўтирмай, иккинчи шикоятга мавзу бўлган паррандахона, айрим шийпон, чала иморатлар, боғларни кўриш мақсадида яна юқорига кўтарилдик.

Паррандачилик фермаси икки қирнинг ўртасидаги ялангликда жойлашган. 1969 йилда қурилган 2 иморат, 2 уйдан иборат. Ферма мудири Абдували Далиев (шикоятга 12 киши имзо қўйган) шу ерда экан. Фермага унинг отаси, кейин тоғаси мудирлик қилган. Хуллас, ўттиз йилдан буён шу оила меҳнат қилиб келмоқда. Ўтган йили 2000 товуқ боқилиб, 90 минг дона тухум етиштирилган. Ширкат ваколлари йиғилишининг қарори билан паррандахона сотувга қўйилган. 2002 йилнинг 26 июнь куни Қарши шаҳрида ўтказилган «кимошди» савдосида 4 киши даъвогар бўлган. Дастлабки қиймати 5 миллион 209 минг сўмлик ферма баҳоси 56 миллион сўмга кўтарилиб, А. Далиев ютиб чиққан. Сотиб олишга имкон тополмагач, республика раҳбариятига мактуб билан мурожаат қилган. Вилоят Давлат мулки бошқармаси масалани хўжаликка ҳавола қилган. Ширкат вакилларининг ўтган йил 26 сентябрдаги йиғилишида масала қайтадан кўриб чиқилиб, А. Далиевга паррандахона кўп йиллик ижарага берилган.

— Масала сизнинг фойдангизга ҳал бўлибди, нега яна арз қилиб юрибсиз? — сўраймиз ундан. — Бошқалар катта режаларни тақдим этишган экан, сиз ҳам эплаб кета оласизми?

— Ҳақиқатдан кўз юмманг-да, ака, — дейди А.Далиев қизишиб. — Аввало, паррандахона тўғри баҳоланмади. Ундан ташқари оиламиз билан ижарага оламиз, деб кўп мурожаат қилганмиз. Бизга халақит беришмасин. Ҳозир 40 гектар лалми ер ажратилди. Энди 5 мингдан ошиқ товуқ боқиш мумкин. Жўжа очириш ускунамиз бор. Биз ҳам ширкат аъзосимиз-ку?..

Албатта, паррандабоқарлар оиласининг меҳнатини ҳурмат қилиш лозим. Мулк ширкатники, уни шу одамлар яратишган. Бироқ мулк эгасини топганини келажак кўрсатади. Бошқа шикоят хатида қайд этилган чала ётган омборхона биносини ҳам бориб кўрдик. Ҳаммом ночор оилага уй қилиб берилган экан. Чойхона биносига ҳам эга йўқ. Уларни сотиш юзасидан қарор қабул қилинган. Ҳамма гап харидор ва мулкка чинакам эга чиқишида...

Йўл-йўлакай боғларни кўриб, яна идорага қайтиб келдик. Таҳририятимизга йўлланган иккинчи мактубга И.Бобоев, Н.Бердиев, О.Мирзаева, унинг эри Ҳ. Сафаров (ўзи келмади) имзо чекишган.

— Мен 2000 йилда 0,70 гектар ерга памидор уруғи экдим, аммо униб чиқмади, — дейди Ислом Бобоев. — Кейин ўша ерга ширкат арпа экди. Аммо шу ерни менга беришмади. 0,50 гектар ижара ери бўлган Нигора Ибодова билан шартнома тузишди. Шу ҳам адолатданми?

— Мен чўлда ҳам ишлаганман, — дейди Нуриддин Бердиев. — Бу хўжаликда бош пудратчи бўлдим. Ўт-ўроқ учун 50 сотих ер сўрадим — беришмади. Лалмидаги қаролининг 1 гектарини 150 минг сўмдан ижарага олинг, дейишди. Нега бировга имтиёз яратилгану бошқага йўқ? Ҳамма баравар бўлсин...

— Шу хўжаликда олтмиш саккизинчи йилдан буён ишлаб келдим, — дейди Ойдин Мирзаева. — Тўқсон олтинчи йилдан пенсиядаман. Фермер хўжалигимиз учун қўшимча ер беришмаяпти. Ижарага олган ерга ўз ҳисобимдан бензин сарфлаб, сув чиқарган пайтим бўлган. Қанча боғлар ҳайдалмай ётибди. Ерни ишлайдиганларга беришсин-да!

Кейин хонага раис, бош иқтисодчи Мукаррам Ҳидоятова, ҳуқуқшунос Музаффар Мавлоновни таклиф қилдик. Масала ойдинлашди. Маълум бўлишича. И. Бобоев ерни ташлаб қўйган, Н. Ибодова билан шартнома тузилгач, қайта мурожаат қилган. Бироқ Ибодова — битим тузиб олган ерини қайтаришни истамаган. Бош пудратчи — Нуриддин Эгамов бирор марта режани бажармаган. Ўтган йил ҳам шартномадаги 7 тонна ўрнига 2,5 тонна қароли топширган. Ҳозир 10 гектар ерни оилавий пудрат қилиб олган. Бундан ташқари хотини М. Ражабовага 2 гектар лалми ток ижарага берилган. Ишни эплолмагани учун бош пудратчиликдан бўшатилган. Ойдин Мирзаева яхши меҳнат қилган. Унга 2,5 гектар лалми ер ажратилган ва «Ойдин» фермер хўжалигини тузган. Сувли 1,4 гектар боғни олиш ҳақидаги талаби бажарилмаган. Чунки бирор гектар сувли ер фермерларга берилмаган. Уларнинг аризалари олинган.

Кўплаб ташкилотларга ёзилаётган шикоятлар ана шу қондирилмаган талаблар туфайли. Неча бор ўтказилган текширишлар давомида шикоятлардаги «еб кетди», деган даъволар тасдиғини топмаган. Аммо «Таҳлил» аудиторлик ташкилоти томонидан ўтказилган текширишлар анча мукаммал. Вилоят ҳокимлигининг топшириғи билан ҳақиқий аҳвол батафсил ўрганилган.

Холис ўрганиш натижасида фермерларга ерлар ноқонуний ажратилмаганлиги, туман молия бўлими томонидан аниқланган камомадлар ёпилмаганлиги (масалан 489300 сўм камомад тўлиқ ундирилган), қаровсиз шийпонлар, механик Х. Жумаев ҳисобидаги 1,3 куб метр тахта ва 40 метр металл (эшиклар бузиб тракторларга ишлатилган) камомади аниқ кўрсатилган. Аудитор М. Маматов асло эринмай пудратчи Т. Раҳмонов ихтиёридаги 3 гектар ерга экилган ёш ток ниҳоллари қуригани, ўрнига оралиқ экин экилгани, бош пудратчи Г. Юлдашевга қарашли 8 гектар майдондаги мева дарахтлари молларга пайхон бўлгани, оилавий пудратчи Х. Тошпўлатовага қарашли 0,65 гектар токзорда кўчатлар ораси ҳайдалмай қолиб кетганини ҳам ўз кўзи билан бориб кўрган.

Назаримизда, шикоятдаги асосий эътирозлар раиснинг оиласига тегишли фермер хўжалигига қаратилган. Ҳақиқат шундаки, ширкат раиси А. Воҳидов ишлаган даврда 62 та фермер хўжалиги тузилиб, қонуний тарзда ҳокимликнинг рўйхатидан ўтказилган. Уларга 893 гектар лалми ер ажратилган. Айни пайтда жами 1070 гектар ерда 87 та фермер хўжалиги фаолият кўрсатаётган бўлиб, ўтган йили 400 тонна дон сотишган. Ана шулар қаторида раиснинг узоқ йиллар ширкатда ишлаган хотини М.Воҳидовага 9,3 гектар лалми боғ ажратилган бўлиб, «Боғишамол» фермер хўжалигини тузишган.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари»: Халқаро йўналишларда 11 йил

Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти билан интеграциялашувида, дунёдаги кўплаб давлатлар билан ҳар томонлама самарали ҳамкорлик ўрнатиш жараёнида фуқаро авиациямиз ўзига хос алоҳида ўринга эга. Шу боис, республика ҳукумати томонидан авиатранспорт тармоғини ривожлантиришга доимо устувор аҳамият берилди. Ўтган йиллар ичида амалга оширилган ислоҳотлар натижасида самолётлар парки янгиланди, ҳаво ҳаракатини бошқариш тизими такомиллаштирилди, аэропортлар қайта қурилиб, янги технологик асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Шунингдек, авиатаъмирлаш базаси ҳам яратилди.

Энг муҳими, ҳаво транспортига хизмат кўрсатиш ҳамда энг замонавий самолётларни бошқарадиган юксак малакали учувчи ва техник кадрлар тайёрлаш борасида халқаро андозалар ва илғор технологияларга асосланган ўзимизнинг мустаҳкам базамизга эга бўлдик.

Қатновлар жадвалини тузиш чоғидаги янгича ёндашув ҳисобига Лондон, Шаржа, Киев — Нью-Йорк, Куала-Лумпур, Франция, Амритсар йўналишларида йўловчилар сони янада кўпайди.



Японияниинг энг йирик халқаро аэропорти — Токиога қатновларнинг очилгани авиакомпания ҳаётида катта воқеа ва муҳим қадам бўлди.

Жаҳондаги ўзгарувчан вазият, бозордаги рақобат ўзбек миллий авиакомпанияси олдига янги вазифаларни кўндаланг қўймоқда. Ҳозир Бирмингем орқали Нью-Йоркка парвозлар масаласи устида иш олиб борилаётир. Истиқболли йўналишлардан бири сифатида Вьетнамга парвозларни бажариш имконияти кўриб чиқилаяпти. Австралия билан ҳаво қатновлари ҳақида битим лойиҳаси устида иш бормоқда. «Тошкент» халқаро аэропортида янги юк мажмуи қурилиши бўйича техник-иқтисодий асослаш ишланмаси тайёрланмоқда. Ўзбек ҳаво флоти ходимларининг юксак малакаси, билими ва тажрибаси жамоанинг ўз олдига қўйган вазифаларини уддалашига имкон беради. Парвозлар хавфсизлиги ва йўловчиларга қулайлик «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг шиори ва амалий иши бўлиб қолаверади.

Алишер РЎЗИЕВ

НУҚТАИ НАЗАР

Судлар фаолиятида қонун ва қонунийлик

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг мамлакатимиз ҳаётида рўй бераётган ўзгаришлардан бири сифатида эътироф этиладиган суд тизимини ислоҳ қилиш йўлида муҳим қадамлар қўйилди. Энг аввало, янги қонунлар қабул қилиниб, ҳозирги замон талабига жавоб берадиган суд тизими яратилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи чақириқ VI-VII сессияларида суд тизимини тубдан ислоҳ қилиш, жазо тайинлашни либераллаштириш масалалари кун тартибидан жой олди. Ҳар бир суд томонидан чиқариладиган қарорнинг адолатли, ҳамма учун тушунарли ва инсонпаравар принципларига жавоб бериш масаласи атрофлича ҳал этилди.

Нафсиламбрини айтганда, маҳкумларга тайинланадиган жазо уларнинг тўғри йўлга тушиб олиши учун тарбия вазифасини ўташи лозим. Бироқ, суд-тергов амалиётида ижтимоий аҳамияти унча хавфли бўлмаган ҳуқуқбузарликлар учун судлар томонидан оғир жазо тайинлаш ҳоллари кўп бўлаётганлигини Президентимиз Олий Мажлис сессияларидан бирида куюниш билан таъкидлаб ўтгандилар. Бунга яққол мисол қилиб Навоий вилоят Хатирчи туман суди томонидан фуқаро Ж. Исматовнинг харидор ҳақидан 110 сўм уриб қолгани учун жиноий жавобгарликка тортилиб, озодликдан маҳрум қилинганлиги кўрсатиб ўтилганди.

Тан олиш керак, одамларни озодликдан маҳрум этиш учун, аввалambор, уларнинг хатти-ҳаракатлари жиноят учун етарли деб топилиши лозимлигини айрим судьялар унутиб қўймоқдалар. Пировардида, фуқаролар судларнинг адолат билан иш кўришига ишончларини йўқотмоқда.

Маълумки, судлар фаолиятида ҳуқуқни қўллаш умумтомонидан тан олинган, дунёнинг ҳамма демократик мамлакатларида қўлланиладиган муайян тамойиллар мавжуд. Улар орасида энг муҳим тамойиллар — қонунийлик, қонуннинг мақсадга мувофиқ ва асосли қўлланилишидир.

Қонунийлик тамойили — давлат органлари ва мансабдор шахслардан ҳуқуқни қўллаш жараёнида қонунларга қатъий ва оғишмай амал қилинишини талаб этади. Ҳуқуқни қўллаш фаолиятида қонунларга риоя қилишни талаб этиш — бу қўлланаётган қонуннинг ҳар бир жиҳатига эътибор беришни, ҳуқуқни қўлловчи мансабдор шахсларнинг ўзларига берилган ваколатлар доирасида иш кўришини, ўрнатилган тартиб-қоидаларга қатъий ва оғишмай риоя қилишини, ўрнатилган шаклдаги юридик актларни қабул этишини билдиради.

Ҳуқуқни қўллаш билан шуғулланувчи мансабдор шахс ёки давлат органлари нафақат қонунларга, балки қонуности ҳужжатларига ҳам риоя қилишга мажбурдирлар. Қонун билан қонуности ҳужжатларида бир-бирига зид нормалар келиб қолган ҳолларда фақат ва фақат қонун асосида иш юритилиши лозим. Зеро, ҳуқуқни қўллаш фаолиятида қонунларни мақсадга мувофиқ қўллашнинг тамойили — қонун доирасида асосли қарорлар чиқаришни билдиради.

Ана шундагина, Президентимиз томонидан суд ҳокимиятини демократлаштиришга ва жазо чораларини адолатли ҳал этишга йўналтирилган мақсад-муддаолар тезроқ рўёбга чиқади, деган фикрдаман. Шунда: суд жазоловчи органдан инсонларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминловчи органга айланади; суд жараёнида прокурор ва адвокат ҳуқуқининг тенглашуви юз беради; ҳукм чиқарувчи судьялар мустақиллиги таъминланади ва ҳоказо.

Олимжон ХОЛИҚОВ,
Навоий вилояти адлия бошқармасининг Хатирчи туман департаменти катта ижрочиси

Қонунга итоат —

Инсон ташлаётган ҳар бир қадами қонун-қоидаларга асосланади. Шу жиҳатдан Яратган томонидан ато этилган бутун умр давомида шунга таяниб яшайди. Албатта, ана шу яхши маънодаги итоатгўйлик замирида инсонни ҳатто кўкларга кўтарадиган катта ҳурмат, унинг ҳаётини шон-шуҳратга буркайдиган ютуқлар ётади.

У қонун-қоидаларга асосланиб, унга бўйсуниб яшар экан, ножўя хатти-ҳаракатлардан ўзини тия олади. Чунки уни бузган тақдирда, ҳаётда қоқилишини, қолаверса жазо муқаррарлигини билади-да.

Узоқ-узоқ тарихдан ҳам маълумки, одам озод-эркин ҳаётда умргузаронлик қилишни ва унда ҳамиша адолат бўлишини ўйлаган. Ана шундай ҳаётни ўзбек халқига истиқлол тўла маънода, ҳақ-ҳуқуқлари билан қайтариб берди. Юрт узра озодлик қуёши балқди. Халқ ўз эркини мустаҳкамлашга юз тутди. Қонун ва яна қонун асосида иш юритиш устувор бўлиб қолди.

Бироқ очиқ айтишимиз жоизки, ҳали-ҳануз бу тушунчаларнинг моҳиятини тўлиқ англамаслик ҳолатлари учраб турибди. Яъни қонунга итоат ва ҳурмат тушунчалари моҳиятини тўлиқ тушуниб етмаганлар афсуски ҳали ҳам бор. Бундай тоифадаги кишилар ўз фикри, дунёқараши билан эмас, бировларнинг «чизган» чизиғи билан яшашга ўрганиб қолган. Фалончи айтгач, ундоқ қилдим, бундоқ қилдим дейишгача бораётганлиги ачинарли ҳол.

Ўтган йилнинг май ойида таҳририятимизга тушган бир шикоят асосида «Журналист текшируви» рукни остида «Адолат қарор топди, бироқ...» номли мақола чоп этилган эди. Шундан сўнг сур-сурлар бошланди. Танқидий мақола ёзган муаллифдан тортиб, тикланган адолатни жойига қўя олмай ҳалак юрган М.Жўрабоев ва унинг яқинларига бўҳтондан иборат тошлар отилди. Эҳ-ҳе, Янгиқўрғон туманидаги назорат органлари бу борада оддий ва обрўли одамлар қўлидан фойдаланди. Ҳаттоки улар А.Набиев, Р.Ҳамроев ва бошқалардан иборат 16 нафар кишининг «... Мухбирингиз масалага адолат билан ёндошганда М.Жўрабоев ишлаган даврдаги аҳволни иқтисодий таҳлил қилиб, сўнгра фикр билдирган бўлар эди. Мухбир ҳақиқий пешона тер тўкаётган хўжалик аъзоларининг эмас, эҳтиросларга берилган кимсаларнинг фикрларига таяниб мақола ёзган» сингари гап-сўзлардан иборат хатни таҳририятга йўллашгача бордилар.

Барибир ҳақиқий маънодаги адолат тикланди. Аввал бошида Наманган туман суди томонидан 1999 йил 16 февралда ноҳақ ҳукм билан 6 йил муддатга озодликдан маҳрум этилган, суд залидан ҳибсга олинган Мухторали Жўрабоев «Гулшан» хўжалиги бошқаруви раиси этиб тайинланди.

Ўшанда меҳнат қилган элда азиз, деган халқимиз ардоқлаб келган ибора четга суриб қўйилганди. «Гулшан» қишлоқ хўжалиги корхонаси ташқи бошқарувчиси Мухторали Жўрабоев ва бош ҳисобчи Муҳаммадшариф Бойматовлар фидойилиги натижасида салкам 40 миллион сўм зарарни қоплаб ва 20 миллион сўмдан ошиқ фойда билан хўжалик йилни якунласаю, улар қамоққа, олинса. Хўжаликни қолоқлик ботқоғига ботириб, салкам 40 миллион сўм зарар келтириб, ишдан кетган раҳбар Ғайбулла Хўжамбердиев эса туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасига — аввало бош аграном, сўнгра бошлиқ этиб тайинланса... Буни ҳеч ҳам тушунтириб, изоҳлаб бўлмасди.

Президентимизнинг «Текширишларни тартибга солиш ва назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштиришни такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармонининг 3-банди «Мулкчилик шаклларидан қатъи назар хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятини қонунчилик нормаларида белгиланган ҳуқуқларга мувофиқ амалга ошириладиган текширишларнинг ҳаммаси назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши билан келишилган ҳолдагина ўтказилади», дейилган. Лекин ҳукумат комиссияси қарорига биноан санацияга тортилган «Гулшан» қишлоқ хўжалиги корхонасида иқтисодий аҳволни яхшилаш борасида иш олиб борилаётган бир вақтда қонунга хилоф равишда уч марта текшириш ўтказилди. Шундан икки мартаси, яъни 1998 йил 13-20 августда вилоят давлат солиқ бошқармасининг 371-сонли буйруғи билан амалга оширилди. Орадан бир ярим ой ўтмаёқ, Янгиқўрғон туман прокуратурасининг 452-98-сонли хатига асосан туман солиқчилари ҳам ноқонуний текширишни бошлаб юборишади. Юқоридаги Фармонда «Республика кенгаши билан келишилмаган ҳолда текширишларни амалга оширувчи марказдаги ва жойлардаги назорат қилувчи органларнинг раҳбарлари белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар» деган жумлалар мавжуд. Бироқ, уларнинг мушугини ҳеч ким «пишт» демаганига ҳайронсан. Аксига олиб Мухторали Жўрабоев суд қарори билан оқланиб, аввалги лавозимига ва шунга тенглаштирилган вазифага тиклаш тўғрисидаги суд ажрими чиққанидан сўнг ҳам уни ўз иш жойига ёки ўша лавозим билан тенглаштирилган (унинг розилиги билан) вазифага ишга жойлаштиришга туман раҳбарлари масъул эмасмиз, деб оёқ тираб туриб олишди.

Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари ташкилий кадрлар хизмати мақомини ўзгартириш тўғрисида»ги қарори 4-бандида қуйидаги сатрлар бор:

ХАТ ЙЎЛГА ЧОРЛАДИ

дараларда...

КАЛИТИ ЭСА АҲИЛЛИКДА

Қўшимча ижарага олинган ерлар бўйича шартномада кўрсатилган барча маҳсулотлар топширилган. Аммо қайта ҳисоб қилинганда, лалмидаги боғ учун яна 112 минг 967 сўм нақд пул кассага тўланган ва 2,5 тонна арпа топширилган. Бироқ кўплаб тортишувларга сабабчи бўлган 2-ўсимликчилик бўлимининг собиқ раҳбари К. Мирзаев шартномада қайд этилган 1440 килограмм буғдой, 2400 килограмм нўхотни ҳанузгача топширмай келмоқда.

Аниқланган бу нуқсонларни бартараф этиш, шийпонларни қаровсиз ташлаб қўйган бош пудратчилардан жарима ундириш, биноларни таъмирлаш, моллар пайхони учун жарима жорий этиш каби тадбирлар белгиланган. Бироқ шикоятларда раиснинг танишчилик билан раҳбарликка келгани, ишни уддалай олмаётганига алоҳида урғу беришмоқда.

Асли касби муҳандис бўлган А. Воҳидов 15 йил шу хўжаликда бош муҳандис вазифасида ишлаб, ташкилотчилик қобилиятини кўрсатган. Натижада 1988-1990 йилларда «Паландара» давлат хўжалигида директор бўлиб ишлаган. 5066 тонна узум, 2000 минг тоннага яқин дон ана шу йилларда етиштирилган. Кейин туман техника назорати инспекциясига раҳбарлик қилган. Ўртадаги 5,5 йил ичида 3 раҳбар алмашган. 1996 йил июнь ойида ҳокимликнинг тавсияси билан у яна ширкат раиси этиб сайланган. Унинг раҳбарлигида амалга оширилган катта ишларни айтишга ҳожат йўқ. 2000 йил қурғоқчилик бўлганига қарамай, режадан ошиқ – 2148 тонна узум етиштирилган. Ўтган йилги ёғингарчиликлар барча боғдорчилик хўжаликларида катта қийинчилик туғдирди. Ширкат ҳам 1453 тонна узум етиштириб, режадан чиқолмади. Аммо мева, дон, пилла сотиш режаларининг бажарилиши эвазига 19 миллион сўм соф фойда олинди. Рентабеллик 22 фоизни ташкил этди. Шунинг учун ҳам ширкат аъзолари ўз раҳбарларини қўллаб-қувватлашмоқда. Текширишлар кўп вақтни олаётганини баралла айтишмоқда.

...Ниҳоятда оғир кечган баҳс-тортишув ниҳоясига етди. «Мени нега ширкат аъзолигидан чиқаришди?», деб сўраган И. Бобоевга «Судга мурожаат қилинг», деган жавобни беришга мажбур бўлдик. Раис ўзини хотиржам тутди. Кейин дераза олдига бориб, бир зум юрагини ушлаб турди. Деразадан қорли тоғ чўққилари яққол кўриниб турарди. Жуссаси кичик, афтидан ўта иродали бу инсон қалбида нималар кечаётганини билмасдик. Бир пасдан кейин аста ўгирилди ва хушёр торттирувчи овоз билан сўради:

– Тоғдан битта тош кўчса нима бўлади?

– Нима бўларди, бошқа тошларни ҳам қулатади-кетади...

– Тўғри, – дейди у ҳамон ўйчанлик билан. – Аммо ўзида улкан тошларни-да ушлаб қолиши мумкин. Бу – табиат қонуни. Менинг эса суянадиган тоғим йўқ. Суяйдиганлар ҳам, четга чиқиб тур, дейдиганлар ҳам шу одамлар. Еган-ичганим, қилаётган ишларим уларнинг кўз ўнгида. Одамларимиз аҳил, ҳамжиҳат. Лекин ҳали қиладиган ишларимиз кўп.

– Мана, бу адолатли гап бўлди, – деймиз унга. – Ойдин опа ҳам, Ислом ҳам ер олиб ишлаш ҳуқуқига эга.

– Исломнинг ўзи ишлашни хоҳламади, – дейди Абдуҳомид Воҳидов, – Ойдин опани эса ҳурмат қиламан. Аммо биз бир гектар ҳам сувли ерни фермерларга ажратмадик. Чунки боғларимиз оз. Барибир, хўжалик астасекин мулкнинг янги шакли – фермерлар мулкига айланиб бораяпти. Мен ҳам шунинг тарафдориман. Бироқ ажойиб боғлар йўқолиб кетмаслиги, ер ўз эгаси қўлига топширилиши керак. Буни кўпчилик ҳал қилади.

Айтишларича, ўтмишда тоғларда паланг – йўлбарслар кезгани туфайли «Паландара» аталиб кетган экан. Паланг кезган дараларнинг ташвиши зил-зил. Ҳамма ҳам бу юксак чўққиларга туташ адирлар бағрида меҳнат қилиб, нон-насиба яратиш машаққатига бардош бера олмайди. Раҳбарлик эса унданда оғир. Йиғилишда ижарачи Нигора Ибодова дангал «Раҳбар келса столни олади, деҳқоннинг кетмонини ким олади» деган экан.

Бунга изоҳнинг ҳожати бормикан?..

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

МАВЗУГА ҚАЙТИБ

қонунга ҳурмат

УНИ СУИИСТЕЪМОЛ ҚИЛГАН КИШИ — КИМ БЎЛИШИДАН ҚАТЪИ НАЗАР МАНСАБ КУРСИСИДАН УЧИБ КЕТИШИНИ ҲАЁТНИНГ ЎЗИ КЎРСАТДИ

«... туманлар ҳокимлари кадрлар бўйича давлат сиёсати тамойилларининг амалга оширилиши, кадрлар танлаш, жойжойига қўйиш, ўқитиш ва тарбиялаш учун шахсан жавобгардирлар».

Раҳбар ҳалол бўлса, ошини, ёмон бўлса, нафсини ҳакалак орттирса, бошини ер экан. Ўтган йилнинг декабрида тўрт йил давомида Янгиқўрғон туман ҳокими бўлиб ишлаб келган Зокиржон Мамажонов ҳокимлик лавозимидан олиб ташланди. Туманда бу борада ҳам ҳақиқат қарор топди. Қонунни ўз йўлига бўйсундирмоқчи бўлган раҳбар тақдири доимо мана шундай якун топган.

Энди у бошқарган кездаги туманнинг иқтисодий аҳволига бир назар ташлайлик. Дастлаб туман хўжаликларининг 1998 йилда ишлаб чиқарган маҳсулоти ва пул даромадига бир назар солсак, бу ерда кадрлар қай даражада эканлиги намоён бўлади. Масалан, биргина «Гулшан» хўжалиги 20 миллион 608 минг сўм фойда билан якунлаганда туман бўйича бу кўрсаткич 31 миллион 23 минг сўмни, яъни Янгиқўрғон туманидаги барча хўжаликлар олган фойда шунчани ташкил этди. Бу туман бўйича олинган фойданинг 70 фоизи «Гулшан» хўжалиги зиммасига тўғри келаяпти, дегани. Тумандаги шароити, иқлими, суви ва ери бир бошқа хўжаликларни олсак, «Паромон» хўжалиги йилни 23,1 миллион сўм зарар билан, Д.Сатторов номли хўжалик эса 127 миллион 286 минг сўм ишлаб чиқаришга сарфлаб, 127 миллион 417 минг сўм даромад қилаяпти. Атиги 131 минг сўм фойда олиб, 0,1 фоиз рентабелликка эришаяпти. Хўш, нега «Гулшан» қишлоқ хўжалик корхонаси рентабелликни 17 фоизга етказсада бошида «қора булут»лар айланди?

– Жўрабоевга ўхшаган билимдон кадрларга нисбатан қилинган адолатсизлик, туманда ёниб ишлайман деганларнинг қўлини совутди, хафсаласизликка олиб келди, – дейди Янгиқўрғон туман ихтисослаштирилган агрофирма бош ҳисобчиси Абдулазиз Бўрибоев. – Чунки, Жўрабоевни олсак, бу одам туман ҳокими биринчи ўринбосари лавозимида ишлаган кезларда Янгиқўрғон вилоятда олдинги ўринларда юрарди. Бугунгидек рентабеллик 01,02 фоиз даражада эмас, 15-20 фоизни ташкил этарди. Қолоқ, қарзга ботган «Гулшан»ни 10 ойдаёқ бақувват хўжаликка айлантирди. Рентабелликни 17 фоизга кўтара олди-ку! Ўша йилгина эмас, тўрт-беш йил ичида туманда бундай кўрсаткичга эришган ҳеч бир хўжалик бўлмаган.

Ўтган тўрт йил давомида асосий тармоқ – картошка етиштиришни олиб қарайлик. 1998 йилда 1186 гектар ернинг ҳар гектаридан 152 центнердан – 18032 тонна, 2001 йилга келиб эса 631 гектар ернинг ҳар гектаридан атиги 101 центнердан – 6433 тонна ҳосил олинди. Йилни 25,1 миллион сўм зарар билан якунлади. Кўриниб турибдики, маҳсулот етиштириш салкам 3 баробар камайиб кетган. Бошқа тармоқларда ҳам аҳвол оғирлашган. Бунда биринчи навбатда, мавжуд қонунларни менсимаслик ва кадрларни жой-жойига қўйишда танишбилишчилик, оғайнигарчиликка йўл қўйилгани бош сабаб эканлигини кўрамиз.

– Адолат қарор топди. Бошимда чарх урган қора кўланкалар барҳам топди, – дейди Мухторали Жўрабоев. – Лекин биласизми,энг алам қиладиган жойи, менга қилинган туҳмат бошида туман раҳбарияти ҳам турганидир. Ҳажга бориб келган Турдали Азимов деган фидойи киши бор. Менинг хабарим йўқ, у киши туман ҳокими ҳузурига кирибди. Шунда у «Нима, энди Мухторали эзилиб юраверадими, ўз вазифасида ишлаши керак. Халқнинг талаби ҳам шу», дебди. Ҳоким унга: «Ҳеч ким йўғида келсин, кимлар «ўйин» қилганлигини тушунтираман», деган эканлар...

Ана энди хулосани ўзингиз чиқариб олаверинг. Туманда тўғрилик ва поклиги ни қўллаб-қувватлаши, бу фазилатлар кишилар онгида шаклланишида, энг аввало, ўзи ибрат, керак бўлса жойларда бу фазилатларни оёққа туришига бош-қош бўладиган ҳокимки шундай йўл тутиб турса, бошқалардан нима кутиш мумкин? Юртбошимиз куюниб айтганларидек: «Шу боис биз бундай қарашни мактаб бўладими, олий ўқув юрти бўладими, ҳаётнинг ўзида бўладими минг тарғиб қилмайлик, аввало қонунга ҳурмат масаласида бошқаларга ўрнак кўрсатиши лозим бўлган мансабдорлар, давлат ходимларининг ўзи ёшларимизга ибрат бўлмаса, қилинаётган барча ишларимизнинг самараси ҳақида гапириш мумкинми».

Маъмуржон ҚИЁМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

ТЕЖАМКОРЛИК — ИҚТИСОДИЁТ ТАЯНЧИ

Сув – экиннинг қони, ариқ – қон томир

Қишлоқ хўжалигида сув ресурсларини бошқаришнинг замонавий усулларига ўтиш ва хўжаликларда ички суғориш ҳамда зовур шахобчаларидан фойдаланишнинг янги тизимини яратиш — давр талаби.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Сув хўжалиги комплексини молиявий таъминлаш бошқармаси бошлиғи, иқтисод фанлари доктори, профессор Одил ОЛИМЖОНОВ билан суҳбатимиз шу ҳақда



Сув –экин қони, ариқ – унинг қон томири, дейди деҳқонлар. Шу боисдан ҳамки, сўнгги йилларда тасарруфидаги қишлоқ хўжалиги корхоналари тўла фермер хўжаликларига айлантирилган жойларда қишлоқ ва сув хўжалиги бошқаруви тизимининг таркибий қисми – сув хўжалиги соҳасида жиддий ўзгаришлар юз бермоқда. Муҳтарам Президентимиз раҳбарлигида ишлаб чиқилган ва ҳаётга изчил татбиқ этилаётган аграр соҳани ривожлантиришнинг ўзбекча модели – сув хўжалигини бошқаришнинг замонавий ва бозор иқтисодиёти талабларига мос шаклларини излаб топишни тақозо этди. Ва шу тариқа эндиликда аралаш мулкчилик асосида ривожланаётган қишлоқ хўжалиги корхоналарига хизмат кўрсата оладиган сув хўжалигини бошқаришнинг хўжалик даражасида Ўзбекистон учун мутлақ янги шакли – Сувдан фойдаланувчилар уюшмаси (СФУ) дунёга келди.

– СФУнинг ўзи нима ва у қандай вазифаларни бажаради?

– Қайта ташкил этилаётган қишлоқ хўжалиги корхоналари ҳудудида **фермер хўжаликлари, деҳқон хўжаликлари ва бошқа истеъмолчилар ўртасида сув хўжалиги муносабатларини тартибга солиш** СФУларнинг бош вазифаси этиб белгиланди. Нотижорат характерга эга мазкур ташкилот хўжалик ҳисоби асосида ишлаб, яна қуйидаги вазифаларни бажаришга йўналтирилган: сув ресурсларидан фойдаланишни режалаштириш, давлат сув хўжалиги ташкилотларидан сув олиш ва уни тақсимлаш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини назорат қилиш, ички суғориш ва мелиоратив тармоқларни таъмирлаш, тозалаш ишларига уюшма аъзолари ва бошқа истеъмолчиларнинг маблағларини жалб этиш, сув кадастрини юритиш, экин майдонларидан зовур ва пайнов сувларни чиқариш, олинаётган ва тақсимланаётган сув ресурслари бўйича ҳисоб-китоб юритиш ва ҳоказо.

Кўриниб турибдики, СФУлар хўжалик ҳудуди доирасида сув хўжалигини бошқариш органи ҳисобланади ва у сув билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш масъулиятини ўз зиммасига олади.

– Хўш, ҳозир СФУлар ўзининг ана шу вазифаларини қай йўсинда бажармоқда? Улар жойлардаги сув хўжалиги тизимида ўз ўрнини қай даражада топмоқда?

– Биласиз, бугунгача сурункали зарар билан ишлаб келган иқтисодий ночор хўжаликлар тугатилиб, улар негизида фермер хўжаликлари ташкил этиш – Вазирлар Маҳкамасининг сўнгги (1999, 2002) йиллардаги қатор қарорларида белгилаб берилди. Худди шу қарорларда кўзда тутилган вазифаларни бажариш мақсадида СФУлар тузила бошланди. Бугунга келиб уларнинг сони 154 тага етди. Бунинг 37 таси ҳозир тўла фермер хўжаликларига ўтган 5 туман (Амударё, Ромитан, Ёзёвон, Меҳнатобод, Мирзаобод) ҳиссасига тўғри келмоқда. Мазкур туманларда 47 та ширкат хўжалиги тугатилиб, 37 та СФУ таркиб топди. Гап шундаки, ҳозир айрим каналлар 2-3 та, баъзан бундан ҳам кўпроқ хўжаликларга хизмат қилаётган бўлса, келажакда улар учун 1 та СФУ тузиш мақсадга мувофиқ. Негаки, икки ва ундан ортиқ хўжаликларга хизмат қилувчи ягона канал ҳудудида бир дона СФУ тузилиши – келажакда суғориш шахобчаларини **ҳудудий бошқарувдан – тизимли (ёки бассейн бўйича) бошқарувга** ўтказишда тажриба майдони ўрнини ўтайди.

Ҳозир СФУлар 12061 фермер, 8729 деҳқон хўжалиги ва бошқа истеъмолчиларнинг 371209 гектар экин майдонларига сув хўжалиги хизмати кўрсатмоқда. Бу – мамлакатимиздаги жами ҳайдаладиган ернинг 9 фоизини ташкил этади. Уларнинг балансида 13630,5 километр узунликда суғориш ва 13660,0 километр масофада зовур тармоқлари, 576 та насос агрегатлари мавжуд. 2002 йилда СФУлар суғориш мавсумида экин далаларига 2,92 млрд. кубметр сув етказиб берди, 3626 километр узунликдаги суғориш ва 1770 километр масофадаги зовур тармоқларини тозалади. Бошқача айтганда, улар томонидан бажарилган ишлар ҳажми 511,6 миллион сўмни ташкил этди.

Аммо шуни ҳам таассуф билан айтиш керакки, қатор вилоят ва туманларда СФУларни вақтида ташкил этишга ҳанузгача етарли эътибор берилмади. Масалан, Бухоро вилояти Ромитан туманида 6 та СФУ 17 ой, Жиззах вилоятининг турли туманларида (3 та) 12-14, Наманган вилоятида (2 та) 12-14, Фарғона вилоятида (2 та) 13-15 ойлаб кеч ташкил этилди. Хоразм вилоятида 1999-2000 йилларда 13 та ўрнига 5 та, Бухоро вилоятида 17 та ўрнига 6 та СФУ ташкил этилди, холос. Ҳатто жойларда умуман ташкил этмаслик фактлари ҳам юз берди.

– Яна қандай муаммолар бор?

– СФУлар кўрсатаётган хизмат ҳақи хўжаликлар томонидан тўланмаётганлиги ёки кам миқдорда ёхуд кечикиб тўланаётганлиги ҳам уюшма фаолиятининг фаоллашиб кетишига халақит бермоқда. Масалан, 2002 йилда СФУлар 511,6 миллион сўмлик хизмат кўрсатган бўлса, бунинг бор-йўғи 8,4 фоизигина тўланган, холос.

Сирдарё вилоятининг Меҳнатобод ва Мирзаобод туманларида СФУлар ҳаммаси бўлиб 941 минг сўм миқдорида ҳақ олишган бўлса, Бухоро, Навоий ва Сурхондарё вилоятларидаги СФУлар мутлақо ҳақ ололмади. Қисқа қилиб айтганда, СФУларнинг 80 тасига бир тийин ҳам ҳақ тўланмади. Ваҳоланки, сув истеъмолчиларининг кўпчилигида бу кезларда молиявий имкон етарли бўлган. Ёрқин мисол: Навоий вилоятининг Навбаҳор туманидаги «Аҳрор ота» фермер хўжалиги 189 тонна дон олиб, бунинг 87,3 тоннасини давлатга сотган ва 101,7 тоннаси ўзига қолган. Худди шундай «Бобораҳим» фермер хўжалиги ҳам 104 тонна ғалла етиштириб, ундан 52,5 тоннасини ўз ихтиёрида қолдирган. Лекин уларнинг ҳар иккаласи ҳам СФУ хизматига бирор чақа ҳақ тўлашмаган. Шунингдек, Меҳнатобод ва Мирзаобод туманлари СФУ ходимлари ҳам уларнинг ўз таъбири билан айтганда, «орият учун»гина ишлаб юрибдилар. Бирор сўм иш ҳақи олмаганлар. Ҳолбуки, СФУлар фаолиятига етарли эътибор берилиб, хизмат ҳақлари вақтида тўланганда эди, улар бундан ҳам кўпроқ иш бажарган бўлар эдилар.

Кези келганда шуни алоҳида таъкидлаш керак, мамлакатимизда сув – умумхалқ бойлиги бўлиб, у суғориш учун олдисотти қилинмайди. Сув хўжалиги молиявий эҳтиёжининг асосий қисми давлат бюджети ҳисобига қопланади. Демак, биз тўлаётган маблағ сув ҳақи эмас, балки унга хўжалик ҳудудида сувни каналдан далага қадар етказиш учун қилинаётган сарф-харажатларнинг кичик бир бўлаги.

Биз бир нарсани аниқ билишимиз керак, яъни қишлоқ хўжалиги корхоналари тугатилиб, ўрнида фермер хўжаликлари ташкил этилгани билан тугатилаётган ўша хўжаликлар ҳудудидаги мавжуд суғориш ва зовур тармоқларини ким тозалаб ёхуд ким таъмирлаб бериши керак? Бу харажатлар илгари ширкат хўжалиги ҳисобига амалга оширилган бўлса, энди шу ҳудудда фаолият кўрсатаётган фермер, деҳқон ва бошқа истеъмолчилар маблағлари ҳисобига СФУлар томонидан бажарилмоқда. Бироқ масаланинг айни шу жиҳатига етарли эътибор берилмаяпти. СФУлар фаолиятини самарали ташкил этиш учун зарур транспорт, трактор, жиҳоз ва механизмлар ажратиш муаммолари талаб даражасида ҳал этилмаётир. Тўғри, Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм ва Фарғона вилоятларида бу масалада бирмунча ижобий силжишлар бўлса-да, Сирдарё, Навоий ва Наманган вилоятларида СФУларга гўё «ўгай»дек қарашаяпти. Тегишли механизмлар ажратилмаётир.

– Одил Олимович, Вазирлар Маҳкамаси йиғилишининг 2002 йил 14 февраль 1-сонли баённида Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоят ҳокимиятларига сув ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланишни таъминлаш мақсадида хўжалик ички суғориш тармоқларида сувнинг ҳисоб-китобини ташкил этиш вазифаси юклатилганди...

– Ҳа, бу мақсадда 2003 йилнинг ёзги суғориш мавсумига қадар биз 140,8 мингта гидропост қуришни мўлжаллаганмиз. 2002 йилда уларнинг 66,3 мингтаси (47,1 фоизи) ишга туширилди ҳам. Хусусан, Бухоро ва Қашқадараё вилоятларидаги бундай гидропостларнинг самарали фаолияти билан сувдан фойдаланиш коэффициенти олдинги 0,62-0,65 ўрнига 0,88-0,89 гача етди. Наманган (17,5%), Жиззах (10,3%), Сурхондарё (4,4%), Хоразм (4,0%) вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси (2,1%) бу ишга ҳамон панжа орасидан қарамоқда.

Ўта муҳим муаммолардан бири **– уюшма сувдан бирламчи фойдаланувчи** сифатида ўз ҳудудидаги **сувдан иккиламчи фойдаланувчиларга** – яъни фермер ва деҳқон хўжаликлари, оилавий пудратчилар ва бошқа истеъмолчиларни сув билан таъминлаш ҳамда ирригация-мелиорация хизматлари кўрсатиш бўйича тузиладиган шартномалар билан боғлиқ. Мазкур шартномаларда ҳар бир истеъмолчига ажратилган сув лимити ва уни ҳар ўн кунлик тақсимоти аниқ белгиланиб, махсус ҳисоб-китоб дафтарларида қайд этилиши, кейинчалик чек орқали ҳисоб-китоб қилиниши кўзда тутилган. Чунончи, Ёзёвон туманида бу соҳада бирмунча ишлар бажарилди. Қатор туманларда эса шартномалар хўжакўрсинга тузиляпти, аниқроғи, яхши ишламаяпти...

Одатда сув таъминотида истеъмолчи тўлайдиган ҳақ у экин эккан майдон таркиби ва технологик картада (ҳар бир экин турига сарфланиши) кўзда тутилган сув миқдоридан келиб чиққан ҳолда (ҳар гектар ҳисобига) белгиланган. Чунки, ҳар бир дала сув ўлчаш асбоблари билан таъминланган тақдирдагина истеъмолчи олган сув миқдорини аниқ ҳисоблаш имкони бўлади. Афсуски, ҳозирги кунда бу масалага ҳам жойларда етарли эътибор берилмаяпти.

Бугун Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги асосини ширкат хўжалиги, фермер хўжалиги ва деҳқон хўжаликлари ташкил этади. Айрим ширкат хўжаликлари ҳудудида фермер ва деҳқон хўжаликлари биргаликда фаолият кўрсатса, 159 та ширкат хўжаликлари эса тугатилди ва улар негизида тўлиқ фермер хўжаликлари ташкил этилди. 2003 йилда ҳам ширкат хўжаликларини фермер хўжаликларига айлантириш жараёни давом этмоқда. Шу боиси, ҳозирги аралаш мулкчилик шароитида сув хўжалигини молиялаштириш – ўта муҳим аҳамият касб этади. Негаки, сув хўжалигини молиялаштиришнинг асосан икки манбаи бор: суғориш ва коллектор-дренаж тизимларининг магистрал ва хўжаликлараро қисмларини давлат бюджет ҳисобидан маблағ билан таъминлайди. Ички хўжалик қисмлари хўжалик ҳисобидан молиялаштирилиши белгиланган. Шунда, ширкат хўжалиги тугатилиб, унинг негизида фермер хўжаликлари ташкил этилса, ички суғориш ва зовур тизимларини таъмирлаш-тозалаш сингари юмушлар истеъмолчилар, яъни фермер, деҳқон хўжаликлари ҳисобига амалга оширилиши зарурлиги мантиқан ўз-ўзидан тушунарли.

– Мана шу фикрингиз, назаримда, суҳбатимизнинг – таъбир жоиз бўлса, бош ғояларидан бири экан. Уни янада аниқроқ ва соддароқ қилиб тушунтириб бера оласизми?

– Мана, масалан, фермер ва деҳқон хўжаликларининг аксарияти деҳқончилик маҳсулоти олиш учун суғориш ва зовур тизимларининг жуда катта аҳамиятга эга эканлигини ҳозирча тўла тушуниб етмаяптилар. **Улар ерни ҳайдаш, уруғлик, ёнилғи, ўғит ва ҳоказолар таъминотисиз экин битмаслигини яхши билишади-ю, лойқа тўлиб қолган ариқдан далага сув оқмаса ёки ерни шўр босиб кетса ҳосил бўлмаслиги мумкинлигини ўйлашмайди.** Ҳолбуки, деҳқоннинг ариғини биров четдан келиб ҳеч қачон таъмирлаб ёки тозалаб бермаган, бермайди ҳам. Азал-азалдан бу юмушлар деҳқоннинг ўз иши бўлиб келган ва шундай бўлиб қолаверади. Унинг ариқ ёки зовур тозаловчи ёхуд таъмирловчи ташкилотга берадиган пули бўлмаслиги мумкин, аммо бу ишни маблағсиз ҳам, ўз (меҳнати) кўл кучи (масалан, ҳашар... йўли билан бўлса-да) бажариши мумкин-ку!

Тўғри, баъзилар «бу ишнинг сарф-харажати фермер ёки деҳқонга оғирлик қилмайдими?» – дейишлари мумкин. Йўқ! Нари борса, тахминий ҳисоб-китобларга кўра, коллектор – зовур ва ариқларни тозалаш ҳамда таъмирлаш юмушларига ўша деҳқон ёки фермер (ҳар гектар майдонга нисбатан) йилига ўртача 10-15 минг сўм сарфлаши мумкин экан, холос.

Хулоса қилиб айтганда, тўла фермер хўжаликларига айлантирилган туман ва хўжаликларда сув хўжалигини бошқариш борасида юз бераётган **ўзгаришлар** – тизимда бозор элементларини кенгайтириш ва сув ресурсларини бошқаришнинг замонавий усулларига ўтиш ҳамда хўжалик ички суғориш ва зовур шахобчаларидан фойдаланишнинг янги тизимини яратишда шубҳасиз, катта ўрин тутади. Улар келажакда сувни каналдан далагача етказиб бериш харажатларини истеъмолчилар ҳисобига ўтказиш ва сув хўжалигини бассейнлар бўйича бошқаришга тайёргарлик борасида ўта муҳим босқич бўлиб хизмат қилиши шаксиз. Давр талаби ҳам ўзи шу.

Суҳбатдош: Номоз САЪДУЛЛАЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

ИҚТИСОД ВА ИСЛОҲОТ

Ўзгариш шабадалари

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИНИНГ ЙИРИК ҲУДУДЛАРИДАН БИРИ — ОҚОЛТИН ТУМАНИДА МУЛКЧИЛИКНИНГ ТУРЛИ ШАКЛЛАРИГА АСОСЛАНГАН ТАРМОҚЛАР ФАОЛИЯТИ КАТТА ЎЗГАРИШЛАР БЎСАҒАСИДА ТУРИБДИ

Ўтган йили декабрь ойининг сўнгги кунларида тумандаги ширкат, фермер хўжаликлари бошлиқларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Вилоят ҳокими Равшан Ҳайдаров иштирок этган бу анжуман иштирокчиларининг айтишларича, кўпдан буён туман ҳокимлигининг мажлислар зали одамлар билан бу қадар гавжум бўлмаган ва келганлар ҳам кўпдан буён ўз дард ва ташвишларини бу қадар очиқ баён этмаган...

Йиғилишда кўп гаплар бўлди. Кўтарилган ташаббуслар, туман эртаси учун куюнишлар ва ташвиш ҳамда нуқсонларга муросасизлик «улоғи» фермерларда кетди.

— Ажратилган икки тонна селитрани олиш учун Янгиер шаҳрига боришимиз керак, — дейди куюниб ўшанда фермер Кимё Содиқова. — Бунинг учун 20-25 минг сўм транспорт харажати қилишга тўғри келади. Бу ҳам майли, лекин шу арзимас дорини олиш учун иккиуч кунлаб сарсон-саргардон бўлишимизга нима дейсиз?

— Ишимиз яхши, бировдан шикоятимиз йўқ, — давом этди туманнинг яна бир таниқли фермери сардобалик Эргаш Юсупов, — шунга қарамай, далаларимиздан текширувчи ва ақл ўргатувчиларнинг кети узилмайди.

— Бир пайтлар гектарига 43-45 центнерлаб ҳосил олган пайтларимиз ҳам бўлган, — дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор Бегмат Жайноқов. — Энди эса шу кўрсаткичларнинг ярмига етиш ҳам маҳол бўлиб қолди. Туманимизнинг қаерига борсанг — ўт босган, шўр босган майдонлардан нолишади. Ерни чинакам эгаларига бериш керак. Шунда экинзорларимизни ўт ҳам, шўр ҳам босмайди...

1

Ўтган йили деҳқончилик, хусусан пахтачилик учун анчайин оғир келди, дейишмоқда. Балки бу тўғридир. Лекин шу ўринда баъзи натижалар билан танишгач, йил кимлар учун қийин келди, деган савол ҳам пайдо бўлади.

Туманда жами 14 та ширкат ва бирлашма хўжаликлари бўлиб, уларда ўтган йили 12 минг 710 гектар ерда пахта ҳосили етиштирилди. Йил якунига кўра, бу хўжаликларда ўрта ҳисобда гектар бошига 5,9 центнердан ҳосил олинди. Йиллик режа 26 фоизга етказилди. Қиёс учун бошқа бир мисол: туманда ўтган йили 238 та фермер хўжалиги фаолият кўрсатди. Фермерлар жами 7 минг 271 гектар ерда пахта етиштирдилар. Ҳосилдорлик 16,3 центнерданга тўғри келди.

Кўриниб турибдики, фермерликка енг шимариб киришган деҳқонлар ўз қарамоғидаги ерлардан ширкат ва бошқа хўжаликлардаги ҳамкасбларига қараганда деярли уч баробар кўп ҳосил ола билганлар. Демак, асосий сабаб — обҳаво қийинчиликларида ҳам эмас экан-да.

Туманда ери ва шароити энг оғир хўжалик ҳақида гап кетганда, биринчи галда Абдулҳай Тоиров номли бирлашма тилга олинади. Ҳақиқатан ҳам ўтган йили бу хўжаликда ҳосилдорлик борасида ўзига хос «рекорд» қўйилди, яъни 1384 гектар ерда пахта етиштирган жамоа йил якунига кўра гектар бошига атиги 1,9 центнердан хомашё олди.

Энди шу ўринда яна бир мисол. Айнан шу хўжалик ҳудудида фаолият кўрсатаётган «Бекмурод» фермер жамоаси 34 гектар ерда деҳқончилик қилиб, пахта ҳосилдорлигини гектар бошига 18 центнерга етказишган. Агар бирлашмадагилар ўтган йили пахтачиликнинг ўзидан 214 миллион сўмлик зарар кўрган бўлсалар, «Бекмурод» жамоаси йилни 620 минг сўм соф фойда билан якунлашди. Умуман олганда, туман бўйича хўжаликлар томонидан кўрилган зарар миллиардлаб сўмлар билан ўлчанаётган бўлса, туман фермерлари йилни пахтачиликдан 159,5 миллион сўм соф фойда билан якунлашди. Изоҳга ҳожат йўғ-а?!

Ҳақиқатдан кўз юмиб бўлмайди. Чиндан ҳам сўнгги кезларда тумандаги айрим хўжалик тузилмаларидан барака кўтарилиб бормоқда. Юқоридаги ҳамсуҳбатларимиз айтганларидек, фермер экинига солмоқчи бўлган минерал ўғитни олиш учун бир неча кунлаб сарсон-саргардон бўлса, инсофданми? Устига-устак, баъзи хўжаликлар бу каби дори-дармон ва ёнилғини тонна-тонналаб олишади-ю, қаерга, нимага сарфланганини ҳеч ким, ҳатто энг малакали «изқувар»лар ҳам топа олмаса, адолатданми? Ва яна гектарчиларга ер сотишдек найрангларни айтмайсизми..?

Халқ депутатлари вилоят кенгашининг яқинда бўлиб ўтган навбатдан ташқари сессияси ва унда давлатимиз раҳбарининг сўзлаган нутқи вилоятнинг яқин тарихида ўзига хос бурилиш бўлди, дейиш мумкин. Шу жумладан оқолтинликлар ҳаётида ҳам! Гап шундаки, тумандаги турли ширкат ва бирлашма хўжаликлари тугатилиб, улар ўрнида фермер хўжаликлари ташкил этиладиган бўлди. Содда қилиб айтганда, туман экинзорларининг олдингидек ярмисининг эмас, балки деярли барчасининг тақдири энди фермерлар қўлига ўтади.

2

Туманда шу кеча-кундузда янги давр ўзгаришларининг шабадалари уфурмоқда. Фермерлар йўлига ғов бўлиб келаётган асосий муаммолар — техника, ёнилғи, минерал ўғит, ер, сув масалаларини тезлик билан ҳал этиш чоралари кўрилаяпти. Шу мақсадда йирик МТП — машина-трактор парки ташкил этилиб, унга тумандаги барча мавжуд техника воситалари жамланмоқда, созланмоқда. МТПнинг ҳудудларда 5-6 тадан шахобчалари ҳам ташкил этилиши кўзда тутилди. Токи, ҳар бир фермер арзимас бир ташвиш билан ҳам марказга чопавермасин... Яна бир янгилик: вилоят туманлари орасида ягона бўлган муқобил машина трактор парки ҳам шу ерда — «Фарғона» хўжалиги ҳудудида ташкил этилаётир. «Осиё тараққиёт банки»нинг имтиёзли кредити ҳисобига тикланаётган мазкур парк энг замонавий хорижий техника воситалари билан жиҳозланмоқда.

— Сўнгги бир ойда, — дейди парк раҳбари Янгибой Боймуродов, — Германиянинг машҳур «Класс» фирмасида ишлаб чиқарилган 6 та ғалла, битта озуқа экинлари ва ем-хашак ўрадиган комбайн, 22 та ҳайдов трактори, 6 та юмшатгич, 22 та плуг, 6 та борона келтирилди. Яқин кунлар ичида яна 35 та чопиқ, 10 та транспорт трактори қабул қилиб оламиз.

Оқолтинликлар нафақат германияликлар, финляндиялик мутахассислар билан ҳам ҳамкорлик қилишяпти. Жамоанинг юздан ортиқ малакали комбайнчи ва тракторчилари ҳозир мазкур мамлакатлар фирмаларидан келган мутахассислар ёрдамида бўлғуси мавсум тайёргарлиги олдидан ўқиб-ўрганмоқдалар.

Туманда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасида ҳам кенг кўламли ишлар бошлаб юборилган. Яқинда С.Сиддиқов номли хўжалик ерлари мисолида шўр ювиш, яхоб бериш, фермерларнинг ерларини сув билан таъминлаш борасида вилоят бўйича кўргазмали семинар бўлиб ўтди. Осиё тараққиёт банки иштирокида қўшимча кенг қамровли лойиҳалар тайёрлашга киришилди.

Буларнинг ҳаммаси — оқолтинликлар сўнгги йиллардаги қолоқлик доғини ювиш учун қишлоқларда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлига дадил қадам қўйдилар, дейишга тўла асос беради.

Абдужалил УМАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

3

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ЖАМИЯТ САРИ

Фуқаролик жамиятининг миллий негизи

Бизда шундай бир ноёб, бетакрор ижтимоий бошқарув идораси борки, уни ҳеч нарса билан солиштириб бўлмайди. Бу — юз йиллар давомида ривожланиб келаётган ва айниқса, мустақиллик даврида тубдан янгиланиб, замон талаблари асосида такомиллашиб бораётган маҳалла тизимидир.

Ислом КАРИМОВ. 2001 йил 7 декабрь

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида таҳсил олиб юрган вақтларим, биз талабаларга В.Фурнье, Э.Моне, М.Везиан хоним, Б.Петрик (Франция), М.Олкотт (АҚШ) каби хорижлик профессор-ўқитувчилар сабоқ беришар эди. Парижнинг Сарбонна университетидан келган Б.Петрик сиёсий социология фанидан маърузалар ўқир ва айни пайтда илмий-тадқиқотлар олиб борарди. Деярли тенгқур бўлганимиз боис, у билан тезда дўстлашиб кетдик. Кунларнинг бирида гап уланиб, илмий изланишлар хусусида суҳбатлашиб қолдик. Мен ундан қайси мавзуда илмий-тадқиқотлар олиб бораётганини сўрадим. «Маҳалла — деди у, — Ўзбекистонда маҳалла феномени» — аниқлик билан таъкидлади суҳбатдошим. Эшитиб, рости, ҳайрон қолдим. Сўнг унга Ўзбекистоннинг сиёсий ёки ҳуқуқий тизимини қиёсан ўрганишни ёхуд бозор иқтисодига ўтиш даврида Ўзбекистондаги стратификацияланиш (табақаланиш) жараёнини тадқиқ қилишни «маслаҳат» бердим. «Йўқ, — деди у, — Маҳалла — ноёб ижтимоий ҳодиса. Сиз ўзбеклар кўникиш туфайли унга етарли эътибор бермайсизлар, холос. Неча асрлардан бери ғарб орзу қилиб келаётган фуқаролик жамиятининг табиий негизи — маҳалланинг ўзгинасидир. Бошқа мамлакатларда унинг муқобилини учратмаганман».

Орадан бир неча йиллар ўтиб кетди. Уч йил муқаддам Париждан қайтаётиб, Амстердам аэропортида тасодифан ўша франциялик танишимни учратиб қолдим. Суҳбат сўнгтида «маҳалла»нинг тақдирини сўрадим. «Тадқиқотимнинг дастлабки натижалариёқ илмий жамоатчилик ва омма орасида катта қизиқиш уйғотди. Ҳамон давом эттираяпман. Ҳали кўрасан, ўзбек маҳалласини докторлик диссертацияси даражасига олиб чиқаман», — деди қатъият билан парижлик жамиятшунос.

Дарвоқе, анъанавий ўзбек маҳалласининг сирли жозибаси кўплаб ғарб мутахассислари — жамиятшунослари, сиёсатшунослари, руҳиятшуносларининг эътиборини тортиб келмоқда. Бундай нодир ижтимоий тузилманинг демократик-фуқаролик жамиятини шакллантиришдаги аҳамиятини улар юқори баҳолашади. Бунинг сабаби эса маълум: ғарб давлатчиликнинг тарихий ривожланиш жараёнида барча ижтимоий ҳужайраларни ўта давлатлаштириб юборган эди. Ҳатто фуқаролик жамиятининг энг зарур моддий асоси ва шарти ҳисобланган хусусий мулкчилик ҳам ғарб давлатларида ўзининг тугал ечимини топган. Бироқ, тарихий тажриба шуни кўрсатмоқдаки, буларнинг ҳаммаси давлат ишларини ижтимоийлаштириш, жамият ва давлат бошқарувини жамият аъзоларининг ўзларига топшириш учун етарли эмас экан. Бунинг учун шундай бир ижтимоий бўғинга, тузилмага эҳтиёж сезиладики, унинг тимсолини баъзилар маҳаллий ҳокимият идораларида, бировлар жамоат ташкилотларида, бошқалар эса маҳаллий халқ йиғинларида кўриб келдилар. Ҳатто корхонага фуқароларни сиёсий ижтимоийлаштиришнинг энг мақбул воситаси сифатида қаровчи назариётчилар ҳам йўқ эмасди. Лекин зикр қилинган тузилмаларнинг бари фуқароларнинг доимий ва табиий маънавий, сиёсий, руҳий ҳудудий бирлигини таъминлаб бера олмади.

Ўзбек маҳалласи ана шундай бирликни ўзида акс эттирган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи сифатида жаҳоншумул намунадир.

Маҳалла — ўзбек давлатчилигининг пировард мақсади бўлган озод ва обод фуқаролик жамиятининг табиий туғма куртагидир.

У биринчи навбатда оила, мактаб, оммавий ахборот воситалари каби жамият аъзоларини сиёсий ижтимоийлаштиришнинг энг ишончли воситасидир.

У — ихтиёрий аъзолик ва махсус низом билан ташкил этиладиган жамоат ташкилотларидан фарқли ўлароқ, табиий аъзолик асосида ташкил топадиган ҳудудий бирликдир.

У — юридик шахс бўлиш билан бирга нуфузли маънавий шахсдир. Жамоатчилик устидан унинг маънавий таъсири юридик таъсирдан бир неча марта кучлироқ ва самаралироқдир.

У — давлат идоралари устидан ўрнатилиши лозим бўлган жамоатчилик назоратининг энг холис нозиридир.

Шу ўринда эслатиб ўтамизки, давлатнинг назорат функцияси, бошқарув, таълим-тарбия, ижтимоий ҳимоя, атроф-муҳит муҳофазаси ва бошқалар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтиши мумкин бўлган давлат вазифаларидир. Улар ичида давлатнинг назорат функцияси жамоатчилик назорати шаклини олади. Бу соҳада Президентимиз: «Ўзини ўзи бошқаришнинг халқимизга хос ноёб усули бўлган маҳалла жамоатчилик назоратини ташкил этишда ҳам шундай салоҳият ва имкониятларга эгаки, биз улардан ҳали-бери тўлиқ фойдалана олганимиз йўқ. Бинобарин, бу борада ҳам ишлашимиз керак», деганларида мутлақо ҳақ эдилар. Жумладан, Юртбошимиз иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг 9-сессиясида сўзлаган маърузасида унинг аҳамиятини яна бир карра такрорлади: «Биз давлатнинг назорат функцияларини қанча кучайтирсак, назорат билан шуғулланувчи давлат тузилмалари ва органларини қанча кўпайтирсак, амалдорларнинг зўравонлиги ва коррупция шунча авж олаверади. Шунинг учун биз жамоатчилик назоратини давлат фаолияти, шу жумладан, унинг ишлатувчи тузилмалари фаолияти устидан ҳам жамият назоратини ҳар томонлама кучайтиришга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим. Бу масалада бундан бошқа муқобил йўл йўқ».

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, давлат фаолияти устидан жамоатчилик назорати дейилганда, қонунлар ижроси бўйича давлат ҳокимияти органлари устидан назорат, куч ишлатувчи тузилмалар дейилганда, ҳуқуқ-тартибот ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи суд, прокуратура органлари фаолияти устидан назорат кўзда тутилади.

Бугунги кунимизга дахлдор бўлган энг ката янгилик шундан иборат эдики, эндиликда, ўзини ўзи бошқариш органлари халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгаши депутатлигига номзодлар кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қила олади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига, вилоят Кенгаши депутатлигига номзодлар кўрсатиш учун фуқароларнинг номзодлари бўйича ҳокимиятнинг тегишли вакиллик органларига таклифлар киритади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, мамлакатимиздаги парламент ислоҳотлари билан Президентимиз томонидан таклиф этилган «Обод маҳалла йили» давлат тадбирлари ўртасида ўзига хос изчил мантиқий боғланиш бор... Жумладан, «Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»ги Конституциявий Қонунимизнинг 6-моддаси, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги Қонун лойиҳасининг 2-моддасига кўра ҳудудий вакиллик палатаси — Сенат асосан вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли қўшма мажлисларида депутатлар орасидан сайланар экан, бўлғуси сенаторларимиз айни маҳаллаларнинг ҳам бевосита вакиллиги сифатида намоён бўлади. Бу борада маҳаллаларнинг Олий Мажлиснинг ҳар икки палатасига номзодлар кўрсатиш ҳуқуқларини янада кенгайтириш ўринлидир.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган тизимли ва изчил демократик ислоҳотлар ўз моҳият эътибори билан фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган. Бундан беш йил муқаддам Юртбошимиз: «Демократияга босқичма-босқич мумкин қадар қисқа муддатда ўтиш ғоясининг стратегик аҳамияти, фақат жамиятда барқарорликни сақлаб қолишдангина иборат эмас. У фуқаролик жамиятининг ҳаётбахш куртакларини авайлаб сақлаш, ўстиришдан ҳам иборатдир», — деган ғояни ўртага ташлаган эдилар.

Ўша ғоянинг узвий давоми ва амалий инъикоси сифатида 2003 йилни «Обод маҳалла йили» деб эълон қилиниши фуқаролик жамиятининг ноёб куртаги бўлган маҳаллага янгича эътибор, унинг ижтимоий-сиёсий моҳиятини очиб бериш йўлидаги муҳим қадамдир.

Ҳайдарали ЮНУСОВ,
сиёсатшунос

Халқ банки —халқ хизматида



Давлат-тижорат халқ банкининг Дўстлик туман бўлими иш фаолитида ўтган йили анча силжишга эришди. Аҳоли омонатларини жалб қилиш борасида бир қанча ижобий ишлар амалга оширилди.Жорий йилнинг 1 январь ҳолатига кўра режадаги 46465,0 минг сўм ўрнига 49650,4 минг сўм маблағ омонатларга жалб этилди.

Халқ банки Дўстлик туман бўлими бўйича мавжуд омонат қолдиқларининг 91094,0 минг сўми талаб қилиб олгунча омонат ва қолган 35271,0 минг сўми бошқа муддатли ва жамғарма омонатларидир. Айниқса, «Тантана», «Фахрий», «Автокредит», «Ассалом, янги йил», «Сармоя-плюс» омонат турлари туман аҳолисига маъқул келди.

Мижозларга кредитлар берилиб, улар вақтида қайтариб олиняпти. Масалан, уй-жой қуриш учун 8 кишига кредит берилган эди. Унинг тўлов фоизи вақтида ундириб олинди. «Таҳсил», «Комфорт» кредитлари бўйича ҳам муайян ютуқлар қўлга киритилди.

✧✧✧

Суратларда: *1. Банк бўлими бошқарувчиси Дилшод Ўринбоев ва кредит бўлими бошлиғи Комил Абдуқундузов. 2. Банк мижози «Оман НХ» фермер хўжалиги раиси Ҳайдар Ҳамроев.*

Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

ТАШВИШЛИ ҲОЛАТ

Фермер ер сўровди

ЛЕКИН ХЎЖАЛИК РАҲБАРИ БЕРМАДИ. «УНГА ЕР БЕРГАНДАН КЎРА РАИСЛИКДАН БЎШАЙМАН», — ДЕДИ У ҚАТЪИЙ. НЕГА?

Ургут тумани Ҳалим Мўминов номли ширкат хўжалигига қарашли чорвачилик фермаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 15 мартдаги 137-сонли қарорига кўра ва Ургут тумани ҳокимлигининг ўша йили 4 августдаги 209-рақамли қарори билан «Қоракўтон» ҳиссадорлик жамиятига айлантирилди.

Ёш тадбиркор Одилжон Маъҳқулов фермани оёққа турғазишга бош-қош бўлди. Жамият аъзоларининг тинимсиз меҳнати билан мўл-кўл чорвачилик маҳсулотлари етиштирилди. Натижада жамият солиқ, нафақа жамғармаси ва бошқа ташкилотлардан қарзларини узди ва фойда ҳам кўра бошлади.

Шундан сўнг, жамиятда фермани чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликка айлантиришга аҳд қилинди. Бу ҳақда жамоа аъзолари йиғилишида тегишли қарорлар қабул қилинди. Шу асосда хўжалик бошқаруви ва туман ҳокимлиги (1994 йил 3 март, 154-рақамли) қарор чиқарди. Фермер хўжалигига «Озод» номи берилди. Бу пайтда қорамоллар сони 85 бош бўлиб, хўжалик ҳудудидан 16 гектар ер ажратиш таъкидланди. Афсуски, қарор қоғозда қолиб кетди.

— Фермер хўжалиги ҳисобидаги моллар учун Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 23 февралдаги 87-рақамли қарорига кўра Самарқанд вилоят шароитида ҳар шартли молга 2 гектар лалми, 0,3 гектар сувли майдон ажратилсин, дея аниқ кўрсатма берилган, — дейди вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасининг етакчи мутахассиси, республикада хизмат кўрсатган чорвадор Суннат Кўбаев. — Лекин «Озод» фермер хўжалигидаги 97 бош шартли молларга 194 гектар лалми, 29,1 гектар сувли майдон ажратиш ўрнига 15 гектар лалми майдон ажратган, холос. Бу мавжуд молларни боқиш ва парваришлашни атиги 3 фоизнигина қониқтиради.

Одилжон чорва моллари парвариши учун ер сўраб, мурожаат қилмаган идораси ва кирмаган эшиги қолмади. Юқори идораларга ёзган ҳақли ва қонуний талаблари жавобсиз қолаверди.

— Хўжалик раҳбари Ғиёс Аҳтамовга айтганмиз, фермерга сувли майдондан ер ажратиши шарт. Фермер фермани хусусийлаштиришдан олдин ер муаммосини ҳам ҳал қилиши керак эди, — дейди туман ҳокими ўринбосари Ғолиб Ўрозов.

— Фермерга ер беролмайман, — дейди раис биз билан мулоқотда. — Унга ер берсам, бошқалар жанжал қилади. Одилга ер бергандан кўра, раисликдан бўшайман...

Шу ўринда Ғиёс Аҳтамовга саволимиз бор. Чорва моллари боқиш ва ем-хашак тайёрлаш учун илгари хўжаликда 13 гектар ер бор эди-ку! Бу гектарлар чорвадорларга нега қайтарилмаяпти?! Бунинг устига фермер хўжалиги бурноғи йили 13 тонна гўшт, 45 тонна сут ишлаб чиқарди. Мол бошини 101 тага (шундан 22 таси соғин сигирлар) етказди. Етиштирилган чорва маҳсулотларини шифохона, қариялар уйи ва боғчаларга етказиб бермоқда. Ўсиш, ривожланиш бор-ку...

— Саккиз йилдан буён ер ололмай сарсонман. Ем-хашакни узоқ туманлардан сотиб олаяпмиз. Ташиб келтириш — транспорт харажати ошиб бормоқда. Хўжаликдаги сувли майдондан 10-12 гектар ер олиб ем-хашак тайёрласам, маҳсулот таннархи ҳам анча камаярди. Бунга хўжалигимизда имконият бор. Раисимизнинг «ер йўқ» дейишига асос йўқ, — дейди фермер ҳамон куюниб.

Лутфулла МАМАСОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири

● МУЛОҲАЗА, МУШОҲАДА

Нажот истар шифобахш ёнғоқ...

ДАРОМАДНИНГ КОНИ, САЛОМАТЛИК МАНБАИ, ҲАР ТУПИ ЯРИМ ТОННАГАЧА ҲОСИЛ БЕРУВЧИ ЁНҒОҚ ДАРАХТЛАРИ БУГУН НЕГА КАМАЙИБ КЕТДИ?!

Қадимда кексайиб қолган бир нуронийдан қўшниси қандай дарахт экаётганлигини сўрабди. Ёнғоқ, деб жавоб берибди қария. Эҳ-ҳе, дебди қўшни, бу тошлоқда ёнғоқ қачон мева берадию, сиз қачон ундан татиб кўрасиз? Шунда отахон пурмаъно жавоб берибди: насиб этган бўлса оғзимиз тегар, бўлмаса авлодлар ҳузур қилиб, ҳақимизга дуо ўқир...

Дарҳақиқат, ёнғоқ дарахти кеч ҳосил беради. У Жанубий Америка, Эрон, Афғонистон, Хитой ва бошқа мамлакатларда ёввойи ҳолда ҳам, маданий ҳолда ҳам ўсади. Мутахассислар фикрича, унинг таркибида 50-70 фоиз ёғ, 10-20 фоиз оқсил, 5-6 фоиз қанд моддаси мавжуд экан. Тўйимлилик даражаси ўта юқори бўлган бу шифобахш меванинг кўплаб хасталикларни олдини олишда ҳам нафи беқиёс. Шунингдек, ёнғоқнинг пишмаган мевасида С дармондориси, алкогоидлар мавжуд. Барги, пўстлоғи ва мева қобиғидан турли соҳаларда фойдаланиш мумкин. Ёғочи мебелсозликда қўлма-қўл.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ўсадиган ёнғоқ айниқса, Сурхон воҳасининг шимолий тоғ ва тоғолди ҳудудларида кенг тарқалган. Жанубий туманлардаги хўжаликлар ва шахсий томорқалардаги ёнғоқзорлар ҳам ҳосилдорликда қолишмайди.

Шуниси афсусланарлики, сўнгги йилларда вилоятнинг жанубий ҳудудларидаги ёнғоқзорларга турли касалликлар тегиб, дарахтлар 30-40 ёшга етмасданоқ қуриб қолаяпти. Шунинг учун бу жойларда «Идеал» ва «Ўзбек» навли тез ҳосил берувчи ёш ниҳолларни экиш мақсадга мувофиқ топилмоқда. Вилоятнинг шимолий тоғ ва тоғолди ҳудудларида эса «Бўстонлиқ», «Юбилей» каби юпқа пўчоқли ёнғоқ навларини экиш афзал кўриляпти. Улар совуққа чидамли бўлиб, 6-8 йилда ҳосилга киради. Бойсун туманининг «Қўрғонча», «Қайроқ», «Дебола», Сариосиё туманининг Сангардак тоғлари, Узун туманидаги «Хўбон», «Дебодом» қишлоқларидаги бундай серҳосил ёнғоқлар 300-400 ёшдан ошган бўлса-да, 500 килограммгача ҳосил бериш — унинг нақадар бебаҳо бойлик эканлигидан нишона.

— Аммо, ўтган 2-3 йил давомида тилла қўнғиз, ёнғоқ қурти, ёнғоқ бити ва замбуруғ каби ҳашаротлардан ёнғоқлар кўп зиён кўрди, — дейди Жанубий Ўзбекистон мева-узумчилик тажриба станциясининг илмий ишлар бўйича директор ўринбосари, биология фанлари номзоди Қайнар Файзиев. — Ушбу офатлар ёнғоқларга ёппасига хуруж қилди, десам муболаға бўлмас. 2000-2002 йилларда ҳосилнинг 20-30 фоизи пишмасиданоқ тўкилиб кетган бўлса, 15-20 фоизига қурт тушди. Хўш, ушбу зараркунандалар ёнғоқларда қандай пайдо бўлди, дерсиз. Тиллақўнғиз ва замбуруғ 1990 йилларда ҳам мавжуд эди. Қурғоқчилик оқибатида янада кўпайди. Иссиқ ва қуруқ шароитда ушбу ҳашаротлар 2 марта тухум қўяди. Сўнгра қуртга айланиб, дарахт танасини кемира бошлайди. Бора-бора меваси ҳам қирон солади...

— Тўққиз туп ёнғоғимиз бор, — дейди Олтинсой туманининг «Чинор» қишлоғида яшовчи боғбон Фарҳод Чоршанбиев. — 1995 йилда 600 килограмм ҳосил олувдик. Ўтган йили аранг 80 кило тош босди. Унинг ҳам баракаси йўқ — қурт тушган. Дарахт шохи қурий бошлади. Нима қилишни билмайман. Кимдир ёнғоқ танасига оҳак суриш керак, деса, бошқа биров кимёвий йўл билан ишлов беришни маслаҳат беради. Ҳар бирининг баландлиги 10-15 метр, эгаллаган ери 3-4 сотихча бўлган улкан дарахтларни офатлардан қутқаришни билмайман...

Ёнғоқ ҳосилининг камайиши бозорга ҳам таъсир кўрсатди. Ҳозир унинг бир килоси 800-1000 сўм атрофида сотилмоқда. Бу ўтган йилдагига қараганда анча қиммат. Кўриниб турибдики, зараркунандаларга қарши зудлик билан кураш бошланмаса, нарх-наво йил сайин ортиб бораверади.

Бурноғи йили баҳорда Сариосиё туманининг сўлим Сангардак тоғларида бўлиб, чор атрофда қад ростлаб турган фусункор азим ёнғоқларни кўриб ҳавасимиз келди. Ўшанда раҳматли боғбон Шаҳобиддин ҳожи Низомиддинов: бу азим ёнғоқлар баҳорда селнинг олдини олади, кузда шамолни тўсади, меваси минг дардга шифо, — дея ҳикоя қила туриб,дарахтлар белидаги «латта белбоғ»ларга ишора қилди. «Офатга қарши курашнинг оддий ва самарали йўли шу экан» — тушунтирди у киши. «Барча зараркунандалар шу ерда тўпланади. Белбоғни ҳафтада бир марта қайноқ сувда ювамиз-да, яна боғлаймиз... Ҳартугул, ҳосил кўнгилдагидек бўлаяпти...»

— Ёнғоқларга ҳам албатта яхоб суви бериш керак, — дейди деновлик боғбон Хуррам Муродов. — У намлик билан бирга дарахт танаси ва хазонрезги барглар орасидаги зараркунандаларни ҳам қисман йўқ қилади. Бу йил қиш анча совуқ келди, бунинг ҳам фойдаси катта...

— Мулоҳазалар ўринли, — давом этди Қайнар Файзиев. — Аммо, ёнғоқзорларга қачонки, кимёвий йўл билан ёппасига ишлов берилсагина зараркунандалардан қутилиш мумкин. Бунинг учун «Фазолон», «Денис», «Би-58» ёки «Нурелл-Д» сингари кимёвий воситалардан фойдаланиш керак. Ушбу дориларнинг 0,1-0,6 фоизли эритмаси дарахтларга махсус аппаратлар ёрдамида эрта баҳордаёқ пуркалади. Орадан бир муддат ўтиб, гуллар мевага айланганда бу ҳол яна такрорланади. Замбуруғ касаллигига қарши эса 0,1 фоизли «Бордо» суюқлиги ёки 0,6 фоизли мис кукунидан фойдаланиш ўринли. Улар ёнғоқларга кеч куз ёки эрта баҳорда пуркалади. Шунда ёнғоқзорлардан мўл, сифатли ҳосил олиш мумкин. Бир туп ёнғоқдан 500 минг сўмгача даромад олса бўлади. Изоҳга ҳожат йўқ.

Мулоҳазалар асосли деб ўйлаймиз. Лекин бу ишларни амалиётга тезроқ жорий этиш пайти келмадими? Сурхон воҳаси ёнғоғининг қадимги шуҳрати тикланармикан? Ҳар бири тухумдек келадиган воҳа ёнғоқлари ҳам жаҳон бозорига чиқармикан?

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

ТАҲРИРИЯТДАН: Дарвоқе, мақолада муҳим мавзу қаламга олинган. Чунки, бундай аҳволни республикамизнинг бошқа вилоятларидаги ёнғоқзорларда ҳам учратиш мумкин. Даромадга конлиги ва қадим-қадимдан шифобахшлиги билан ном қозонган ёнғоқ — ёнғоқзорларимизга эътибор нега сусайиб бормоқда? Бозорларимизда ёнғоқнинг баҳоси нега кўтарилиб кетди?

Балки, уларнинг парвариши ва қарови кўнгилдагидек эмасдир? Балки ёнғоққа зарар етказаётган ҳашаротларга қарши кимёвий дорилар етишмаётгандир?..

Бу борада Ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институти ва бошқа мутасадди идоралар мутахассислари ҳамда боғбонларимиз ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

● ОБОД МАҲАЛЛА — МАМЛАКАТ КЎРКИ

Чиройли, файзли, ардоқли

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲАМЗА ТУМАНИДАГИ УСМОН НОСИР НОМЛИ МАҲАЛЛА АҲЛИ ИБРАТЛИ МАҲАЛЛА НОМИНИ ОЛИШ УЧУН АСТОЙДИЛ ҲАРАКАТ ҚИЛАЯПТИ

Маҳалла қўмитаси биносида қизғин суҳбатнинг устидан чиқиб қолдик.

— Бу ишинг зўр бўлибди. Мени жуда хурсанд этдинг. Демак, ишларни юриштириб юборамиз.

— Опахон, энг қизиғи шундаки, маҳалла ҳудудидаги 255-мактаб директори билан бу борада келишиб олдик. У киши ҳужжатлар тайёр бўлишини кутаётган эдилар. Мана энди, маҳалла ёшлари ҳамда ўқувчилар кўмагида ўтказиладиган ҳашар билан кўнгилдагидек спорт майдончасини қуриб олсак бўлади.

— Нимасини айтасан. Аввало, мактаб ёнидаги бу бўш майдон қаровсиз эди. Мана энди бир зўр берсак, сим тўрлар билан ўралган бинойидек спорт мажмуига айланиши турган гап.

Бу орада опахон бизга ҳозир дегандек ишора қилиб қўйдилар.

Бояги йигит мамнуният билан чиқиб кетгандан кейин маҳалла раисаси бизга юзланди. Муддаоймни англагач, мароқ билан сўзлай кетди.

— Ҳозиргина чиқиб кетган йигит маҳалла футбол жамоасининг тренери Салимжон Шоев бўлади. Ёш футболчиларимизнинг қўлга киритаётган ютуқлари чакки эмас. Жамоа тузилганига 3 йил бўлди, бу орада футболчиларимиз Ҳамза туманидаги маҳаллаларо биринчиликда ғолибликни қўлга киритди. Бултур эса шаҳар ёшлар биринчилигида 3-ўрин эгалланди. Мени қувонтириб тургани — болалар спортига алоҳида эътибор қаратилаётган бир пайтда спорт майдончаси қуриш учун зарур ҳужжатларни тўғрилаб олганимиздир. Ўйлайманки, яқин вақт ичида бу майдонча маҳалла болалари билан гавжумлашади. Бу ерда футбол, баскетбол, волейбол, кураш ва енгил атлетика билан шуғулланиш учун шароитлар яратишга ҳаракат қиламиз. Муҳими болаларни шу майдончага жалб этиб, уларни соғлом ва баркамол ўсишларига имкон яратган бўламиз.

Ўзини Умуржон Саъдуллаева, деб таништирган бу аёлдан маҳаллага бош-қош бўлиш осон кечмаётгандир, деб сўрадим.

— Сирасини айтсам, маҳаллага «оқсоқол» бўлиб қолишим қизиқ кечган. Ўзим ўттиз йил Мудофаа вазирлигида техник-алоқачи бўлиб хизмат қилдим. Бу орада мени маҳалла хотин-қизлар кенгаши раисалигига сайлашди. 1998 йилдан эса маҳалла раисасиман. 3 фарзандим бор. Турмуш ўртоғим узоқ йиллар педагог бўлганлар. У ёғини сўрасангиз, мана уч йилдирки, маҳалла раиси киму умуман маҳалла нима, деган саволга чуқур маъноли жавоблар топиш йўлида изланганим-изланган. Ахир, маҳалла дегани давлат ичидаги давлат ёки кичкина ҳокимият десак муболаға бўлмас. Айтишади-ку, ватан остонадан бошланади, деб. Ҳар бир кишининг дастлабки остонаси маҳалла эмасми? Маҳаллада долзарб масалалар, сиёсий-ижтимоий, қоларверса фалсафий фикр юритишга доир ҳолатлар ҳам юзага келадики, бундай пайтда ечимини топиш учун инсон ўзида етарли маънавиятга ҳам эга бўлиши лозим экан. Демак, ўз устингда тинмай ишлашингга тўғри келади. Маҳалламизда 5 минг аҳоли истиқомат қилади. Ҳудудимизда 17 та кўп қаватли бино бор. Бундай уй-жойларда истиқомат қилувчиларга шароит яратиш, истакларини қондириш, саволларига жавоб топмасанг бўлмайди.

— Кейинги пайтларда кўп қаватли уйларда ширкат хўжаликлари таркиб топмоқда. Сизларда ҳам бу борада ишлар бошланган бўлса керак?

— Яхши эсга солдингиз. Ҳозир маҳалламизда «Тоҳир коммунал» уй-жой мулкдорлар ширкати фаолият кўрсатмоқда. Унга Тоҳир Жониқулов бошчилик қилмоқда. Бу ширкат 2001 йилнинг 1 августида тузилган. Қисқа фурсатда кўп қаватли уйларда истиқомат қилувчиларнинг кўнглини топишга ҳаракат қилинди. Хусусан, намунали коммунал хизмат кўрсатиш, уйлар олдини ободонлаштириш, хонадонлардаги авария ҳолатларини бартараф этиш, сантехника ишларини маромига келтириш, ертўлалар тозалигини таъминлаш каби ишларда жонбозлик кўрсатилмоқда. Ширкатда ишларнинг ривож топаётганини шикоятлар камайганлигидан ҳам билиш мумкин. Шу пайтгача бешта кўп қаватли уйда капитал таъмирлаш якунланди ва унга 14 миллион сўм маблағ сарфланди. Бултур 10 нафар қария истиқомат қилаётган уйларнинг сантехника тармоқлари бепул созлаб берилди. Бу йил яна бир қанча кўп қаватли уйларни капитал таъмирлаш ишларига 12 миллион сўм сарфлаш кўзда тутилган.

— Маҳалла кўчаларида келаётиб, одамларнинг одоб билан сўзлашаётгани, бир-бирларига иззат-икром кўрсатаётгани кўзга ташланади. Йўллар ҳам саранжом-саришта, чиқинди уюмлари кўринмайди...

— Маҳалламизда амалга оширилаётган ишларда фаолларимизнинг алоҳида хизматлари бор. Хусусан, хотин-қизлар кенгаши, посбонлар сардори, котиба, ўсмир ва ёшлар билан ишлаш комиссияси сидқидилдан фаолият кўрсатишяпти. Албатта, кўп ишлар маблағга ҳам боғлиқ. Шу ўринда, маҳалламиздаги саховатли тадбиркорлардан Анвар хожи Қаюмов, Қўшанбой Сатинбоевлар ҳимматидан миннатдорлигимни айтишни истардим. Ҳашарларда ёшу қари баҳоли қудрат ҳисса қўшишга ҳаракат қилаётир. Шунинг учун ҳам кўча-кўйларни кўкаламзорлаштириш, ариқларни тозалаш кўнгилдагидек кечади. «Яраштириш» комиссиясига тушаётган аризалар вақтида кўриб чиқилади. Бунда имкон борича ёшлар турмушини сақлаб қолишга ҳаракат қиламиз. Тўй ва маросимлар комиссиясининг иши ҳаддан зиёда. Чунки, маҳалламизда камчиқим, дабдабасиз, замонавий тўй ва маросимларни ўтказиш бўйича яхши тажриба тўпланган. Ортиқча исрофгарчилик ҳамда «чиранишга ўрин йўқ.

— Маҳаллада кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам бериш, вояга етмаган болаларни рағбатлантириш масалалари қандай йўлга қўйилган?

— Бултур кам таъминланган оилаларга 1.470.000 сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. 2 ёшгача боласи бор кам таъминланган оилаларга эса 3.157.671 сўм моддий ёрдам кўрсатилди. Обод маҳалла йилидаги режаларимиз ҳамда фаолиятимизни янада кучайтириб, ибратли маҳалла номини олиш учун барча имкониятни сафарбар этамиз.

Ҳа, онахон раисанинг ишларига омад тилаб, пойтахтнинг Ҳамза туманидаги Усмон Носир номли маҳалла аҳлининг эзгулик йўлидаги ишлари бардавом бўлсин, дегинг келади.

✧✧✧

Суратларда: *1. Маҳалла раисаси Умуржон Саъдуллаева ва маҳалла меҳмони, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Фатхулла Мақсудов. 2. Маҳалла болалар футбол жамоаси.*

Роҳила ИСМАТУЛЛАЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Фидойилик — муваффақиятлар калити

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасида ўтказилган навбатдаги кенгайтирилган ҳайъат йиғилишида, соҳа олдида турган устувор вазифалар таҳлил этилди.

ДБҚ раиси, генерал-майор Б.Парпиев бошқариб борган ушбу тадбирда, республика божхона органлари томонидан ўтган 2002 йил давомида мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш, ички истеъмол бозорини ва маҳаллий товар ишлаб чиқарувчиларни ҳимоя қилиш ҳамда давлат бюджетини тўлдириш борасида 200 миллиард сўмга яқин тўловлар ундирилишига ва республика ҳудудига кириб келган ва транзит режимида ўтувчи хорижий авто юк-ташувчилардан 4,6 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ундирилишига эришилди.

Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келинишини тартибга солиш мақсадида уларни ноқонуний олиб кирилишининг 5693 та ҳолати аниқланди ва умумий қиймати 3,2 миллиард сўмлик товарлар далилий ашё сифатида ушлаб қолинди.

Ҳайъат йиғилишида мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлардан келиб чиққан ҳолда, 2003 йилдаги устувор вазифалар белгилаб олинар экан, асосий эътибор республикамизга жисмоний шахслар томонидан товарлар олиб келинишини ҳамда уларнинг савдосини тартибга солишга доир Президент Фармойишлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қатор қарорлари ижросини таъминлашга қаратилиб, божхона тўловларини тўғри ҳисоблаш ва ўз вақтида ундирилишини таъминлаш, тадбиркорликнинг ривожланишини қўллаб-қувватлаш каби масалалар ҳам муҳокама қилинди.

Шунингдек, божхона органлари фаолиятини ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш, божхона инфраструктурасини яратиш, бу борада эса Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 10 декабрдаги 433-сонли қарори асосида республика божхона тизимида белгиланган капитал қурилиш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш ва халқаро стандартларга мос божхона масканларини барпо этиш лозимлиги таъкидланди. Қолаверса, ягона автоматлаштирилган ахборот тизимини яратишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 30 майдаги 3080 рақамли «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида»ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2002 йил 6 июнда қабул қилинган 200-сонли қарорига асосан ишлаб чиқилган Давлат божхона қўмитасининг ягона автоматлаштирилган ахборот тизимини яратиш концепциясини амалга ошириш зарурлиги айтилди.

Шунингдек, товарларни декларациялашнинг электрон усулига тезроқ ўтиш лозимлиги, бу эса божхона расмийлаштирувини тезлаштириш ва енгиллаштириш, уларни ортиқча қоғозбозликсиз амалга ошириш, киритилаётган маълумотларнинг аниқлиги ва тўғрилигини ошириш, умуман божхона фаолиятида самарадорликни оширишга хизмат қилиши таъкидланди.

Шунингдек, кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш борасида ҳам амалий тадбирлар олиб бориш, бунда асосий эътибор божхона органларини иқтидорли ва олий маълумотли ҳуқуқшунос, иқтисодчи ёшлар билан тўлдиришга қаратилди.

Йиғилишда, Давлат божхона қўмитаси томонидан бошқа ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари билан ҳамкорликда чегараларда божхона назоратини кучайтириш ва фискал вазифаларни тўлиқ бажариш борасидаги тадбирларни янада кучайтириш лозимлиги ҳам таъкидлаб ўтилди.

Давлат божхона қўмитаси матбуот хизмати

● «01» ХАБАРИ

Қўлбола асбобдан чиққан ёнғин

Бектемир тумани М.Авезова кўчасида истиқомат қилувчи К.Алиохунов ўғлини мактабга жўнатгандан кейин ўзи ҳам ишга кетди. Аммо, у электр иситиш мосламасини ўчиришни эсдан чиқарган эди.

Электр иситиш асбоби қизиб кетиши туфайли ерга тўшалган гилам чўққа айланди. Ўғли мактабдан қайтиб келиб эшикни очган вақтда хонадон ичкариси тутунга тўлган, ҳеч нима кўзга кўринмас эди. Бола нима қиларини билмай саросимага тушиб «ёрдам беринг, ёнғин», дея бақира бошлади. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай катта аланга ҳосил бўлди, натижада 100 м² майдондаги уй жиҳозлари ёниб, кули кўкка совурилди. Ачинарлиси, К.Алиохуновнинг оиласи қишнинг совуқ кунларида азият чекди.

Маълумотлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, фуқаролар эътиборсизлиги кўплаб шундай ҳолларга олиб келмоқда. Масалан, биргина Тошкент шаҳар Бектемир туманида 2002 йил мобайнида 28 та ёнғин содир бўлиб, ёнғинларнинг аксарияти инсонларнинг эътиборсизлиги ва носоз қўлбола электр иситиш анжомларидан фойдаланиш оқибатида содир бўлган. Ўз уйингни ўзинг асра, деган гап бор. Шундай экан, ҳар бир одам ўз уйини омон сақлаши учун эътиборсиз бўлмаслиги, қўлбола асбоблардан фойдаланмаслиги керак. Йўқса, «тилсиз ёв» истаган пайтида «ҳужум» қилиб қолиши мумкин.

Самиғиддин МУҲИДДИНОВ,
Бектемир тумани ИИБ Ёнғин хавфсизлиги бўлинмаси ходими, ички хизмат катта лейтенанти

Нукус аэропорти чирой очмоқда

Яқинда ўзининг ўн бир йиллигини нишонлаган «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси таркибидаги Нукус аэропортининг алоҳида ўрни бор. Оролбўйи «ҳаво дарвозаси» айни кунларда халқаро талаблар даражасида қайта таъмирланмоқда. Ҳозирда ишнинг биринчи навбати якунланди. Қайта таъмирлаш ишларининг иккинчи навбати жорий йилда ўз ниҳоясига етказилади.

— Жамоамиз ўтган йилни яхши натижалар билан якунлади, — дейди аэропортнинг муҳандислик-коммуникация таъминоти бўлими бошлиғи Омонгелди Жумабоев. — Йўловчи ва юк ташиш режалари ошириб бажарилди, 55 миллион сўм фойда олинди. Бу маблағлар йўловчиларга хизмат кўрсатиш маданиятини янада ошириш, қулай иш шароитлари яратиш учун сарфланмоқда.

ЎзА

«НАВРЎЗ УНИВЕРСАЛ БОЗОРИ»

очиқ акциядорлик жамияти Кузатув кенгашининг қарорига биноан 2003 йил 5 март куни акциядорларнинг навбатдаги умумий мажлиси қуйидаги манзилда ўтказилади: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани ҳокимияти биносининг мажлислар залида. Мажлиснинг бошланиш вакти 11.00. Акциядорлар 10.00 да рўйхатдан ўтадилар.

Кун тартиби:

1. «Наврўз универсал бозори» ОАЖнинг 2002 йил якуни бўйича иш фаолияти юзасидан жамият бошқаруви раисининг ҳисоботи.
2. Жамиятнинг 2002 йил якуни бўйича молиявий ва хўжалик фаолияти юзасидан Аудиторлик хулосасини тасдиқлаш.
3. Жамиятнинг 2002 йил якуни бўйича молиявий ва хўжалик фаолияти юзасидан Тафтиш комиссиясининг ҳисоботини тасдиқлаш.
4. Жамиятнинг 2002 йил молиявий-хўжалик ҳисоботи якуни бўйича даромадларни тақсимлаш ва дивидендлар миқдори ҳамда уни бериш тартибини тасдиқлаш.
5. Жамиятнинг 2002 йил молиявий хўжалик ҳисоботи якуни бўйича жамият балансини тасдиқлаш.
6. Жамиятнинг 2003 йилга мўлжалланган даромадлар ва харажатлар сметасини тасдиқлаш.
7. Жамиятнинг 2003 йил фаолияти учун жамият Аудиторини тасдиқлаш.
8. Жамият Кузатув Кенгаши таркибига ўзгартириш киритиш ҳақида.
9. Жамиятнинг шахобчаларида қурилган қурилма ва иншоотларни жамият балансига киритиш ҳақида.

Мажлисда акциядорлар реестрининг 2003 йил 2 февраль ҳолатига кўра, унга кирган акциядорлар ёки уларнинг вакиллари (нотариусда тасдиқланган ваколатнома бўйича) қатнашишлари мумкин.

КУЗАТУВ КЕНГАШИ

МЕҲНАТ БОЗОРИ

Хорижга қай тарзда ишга жўнатилади?

ЁХУД ЧЕТ ДАВЛАТГА ИШГА БОРИШНИНГ ТЎҒРИ ЙЎЛЛАРИ, ТАЛАБЛАРИ, НОҚОНУНИЙ ЙЎЛЛАРНИНГ ОҚИБАТИ ВА ЯНА БОШҚА МАСАЛАЛАР ХУСУСИДА

Кўпчиликнинг тасаввурича, бугун гўёки чет элда ишлаган одам мўмай даромадсиз қайтмайди... Аммо баъзан гувоҳи бўлмаяпмизки, хорижга ишлаш, пул топиш мақсадида бориб, қуп-қуруқ қайтиб келаётганлар ҳам оз эмас. Нега шундай? Аввало, хорижга қандай чиқилади? Ишлаш учун кимлар юборилади? Шу ва бошқа қатор саволларга жавоб топиш мақсадида Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги бўлим бошлиғи Азизбек САЪДУЛЛАЕВга мурожаат этдик.

— Азизбек ака, суҳбатимизни бироз жўн саволлардан бошласак. Айтинг-чи, хорижга ишлаш учун кимлар бориши мумкин?

— Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, хоҳловчилар бориши мумкин.

— Уларга қандай талаблар қўйилади?

— Агентлигимиз томонидан мигрантларга ҳеч қандай талаб қўйилмайди. Биз бир қанча давлатлар билан ишчи кучи етказиб бериш тўғрисида шартнома тузганмиз. Шартнома асосида бизга хорижий давлатлардан квота — бўш иш жойлари тўғрисида маълумот келади. Шунга мувофиқ ишчиларни жўнатамиз. Мигрантларга барча талаблар иш берувчи давлат томонидан қўйилади. Бу ҳамма мамлакатда ҳар хил бўлиши мумкин.

— Фуқароларнинг чет элда меҳнат фаолиятини ташкил қилиш тартиблари қандай?

— Фуқароларимиз чет элда малака ошириш, меҳнат фаолияти билан шуғулланишга Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳайъатининг алоҳида қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси фуқароларини хорижга касб ўрганиш ва ишлашга юбориш тўғрисидаги низоми»да белгиланган тартибда жўнаб кетадилар. Агентлигимиз бошқа тегишли идоралар, муассасалар билан ҳамкорликда меъёрий ҳужжатларга мувофиқ иш юритиб, юртдошларимизни меҳнат қилиш учун чет элларга бориш стандартлари талабларига тўла жавоб берадиган меҳнат шартномасига имзо чекади. Унда ишчининг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш, саломатлигини сақлаш, меҳнат шароитлари қандай бўлиши ва бошқа шартлар ёзилган бўлади.

Ишчининг хавфсизлиги иш берувчи томонидан таъминланади, соғлиги назорат қилиб турилади. Зарур бўлганда компенсация пуллари тўланади. Агентлигимиз томонидан жўнатилган фуқароларнинг ҳуқуқлари ва ижтимоий ҳимояси таъминланиши, саломатлиги сақланиши ёки тикланиши юзасидан ўша давлатдаги агентлигимиз вакили, агар у мамлакатда вакилимиз бўлмаса, дипломатик корпус вакиллари — консуллар назорат юритадилар.

— Бир танишим куюниб гапираётганини эшитдим. — Холам АҚШ ошхоналаридан бирида ошпаз бўлиб ишларди, — дейди у. — Иссиқ ёғ тўкилиб бадани куйиб қолиб, ишлаб топган барча пули даволанишга сарф бўлибди. Оқибатда ишсиз ҳам қолибдилар. Шундай ҳолатлар ҳам бўлиши мумкин экан-да.

— Фуқаро шартнома шартларига, техника хавфсизлиги қоидаларига ва бошқа тартибларга тўлиқ амал қилиши шарт. Агар ишчи ўз эҳтиётсизлиги оқибатида шундай аҳволга тушса, иш берувчи унга ёрдам бермаслиги мумкин. Бундай ҳолатларда қандай йўл тутилиши меҳнат шартномасида албатта кўрсатилган бўлади. Бу вазиятда суғурта кишига асқотиши мумкин.

Бугун хорижда ишлашни хоҳловчилар оз эмас. Сайёҳлик визаси билан хорижга бориб ишлаб юрганлар ҳам кўп. Уларнинг манфаатларига, ҳуқуқларининг ҳимоя қилинишига ҳеч ким кафил бўлолмайди. Агентлигимизнинг эса хабари бўлмайди шундай фуқаро чет давлатда меҳнат қилаётганлигидан.

Баъзи фуқаролар ўз қонуний иш жойларини ўзбошимчалик билан ўзгартирмоқчи бўладилар. Охир-оқибат улар ҳам барча имкониятлардан, ишидан ажралиб қолишлари мумкин.

Фуқароларимизга шуни эслатиб ўтишни лозим топамизки, Ўзбекистон Республикасида фуқароларни чет элда меҳнат қилишлари учун жўнатадиган фақат битта ҳуқуқий ташкилот бор. У ҳам бўлса, 2001 йил 6 апрелда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори билан ташкил этилган Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги. Агентлигимиз томонидан жўнатилаётган фуқароларнинг иш жойи ҳам, яшаш жойи ҳам, маоши ҳам аниқ.

— Бугунги кунда Ўзбекистон фуқаролари жаҳоннинг қайси мамлакатларида меҳнат қилмоқдалар?

— 2002 йилда энг кўп, яъни 833 фуқаро Жанубий Кореяга меҳнат қилиш учун жўнаб кетди. Шулардан 6 таси хусусий меҳнат шартномаси асосида кетганлар. Шимолий Кореяда 545 киши, КЕДО — Корея Ярим Оролини ривожлантириш ташкилоти билан тузилган шартномага мувофиқ ГЭС қурилишида ишламоқда. Улардан ташқари Саудия Арабистони, БАА, Хитой, Япония, Италия, Малайзия, АҚШ, Голландия, Франция каби давлатларда Ўзбекистон фуқаролари меҳнат қилмоқда. Бошқа бир қанча давлатлар билан музокаралар олиб бормоқдамиз. Яқин кунларда уларга ҳам фуқароларимизни жўнатиш ниятимиз бор.

— Айтиб ўтганингиздек, меҳнат шартномасида меҳнат фаолиятининг муддати ҳам кўрсатилган бўлади. Аммо кўпчилик фуқаролар шартнома муддати тугагандан сўнг ҳам қолиб ишлашга ҳаракат қилар экан. Бунинг қандай йўллари бор?

— Меҳнат шартномасида кўрсатилган муддат тугагандан сўнг фуқаро чет элда юриши учун ҳеч қандай асос қолмайди. Шунинг учун юртга қайтиб келишлари шарт. Агар бирор-бир ўзига маъқул иш топиб, ишлаб қолмоқчи бўлган фуқаролар буни Ўзбекистон Республикаси қонунларидан чиқмаган ҳолда амалга оширишлари керак. Бунинг учун ўша мамлакатдаги консулимиз тасдиғидан ўтган шартнома олингандан сўнг агентлигимизга мурожаат этилади. Бу ерда барча ҳужжатлар расмийлаштирилади ва фуқарога чет элда ишлаши учун рухсатнома берилади.

— Баъзан фуқаролардан «Агар танишим бўлганида эди, чет элга тезроқ кетар эдим» дегандай гапларни эшитиб қоламиз...

— Бу борада таниш-билиш ёрдам беролмайди. Чунки биздa ўрнатилган янги тартиб-қоидага биноан, фуқароларнинг ҳужжатлари иш берувчи давлатга жўнатилади. Иш ўрни даъвогарлар сонидан кам бўлганлиги сабабли муносиб номзодлар ўша давлатда қурьа ташлаш йўли билан аниқланади. Ҳеч кимнинг таниши бу жараёнга таъсир ўтказолмайди.

— Нима деб ўйлайсиз, бу ўринда арзон ишчи кучи бозори, деган гапсўзлар пайдо бўлмайдими?

— Арзон ишчи кучи ҳамма давлатда ҳам бор. Биз асосан ёшларни касб-ҳунар ўрганишлари учун жўнатамиз. Дастлаб уларга ҳеч қандай олий маълумот, юксак маҳорат талаб этилмайдиган вазифалар топширилади. Демак, маошлари ҳам шунга яраша бўлади. Уларга арзон ишчи кучи деб мақом бериб бўлмайди. Вақт ўтиши билан уларнинг маҳорати ортиб боради, маълум касб-ҳунарнинг эгаси бўлишади. Шундан сўнг жиддийроқ ва масъулиятли иш топширилади ва маошлари ҳам ошиб боради.

Улардан ташқари хусусий меҳнат шартномаси асосида чет элда меҳнат қилиб каттакатта миқдорда маош олаётган фуқароларимиз ҳам кўп.

— Хусусий меҳнат шартномаси асосида чет элда меҳнат фаолияти билан шуғулланиш тартиблари ҳақида ҳам тўхталсангиз.

— Бундай фуқаролар иш берувчини ўзлари топадилар. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек меҳнат шартномасини ўша давлатдаги консулимиз иш берувчи — ҳуқуқий шахс ёки ташкилотни ўрганиб чиққан ҳолда тасдиқлаган бўлиши керак. Сўнгра агентлигимизга мурожаат қилинади ва идораларо комиссиянинг қарори асосида рухсатнома олинади. Баъзилар бу комиссияни фуқаролар йўлига тўсиқ деб ҳам тушунишлари мумкин. Бироқ ундай эмас. Аввало шартнома шартлари умуминсоний қоидаларга, ижтимоий муҳофаза талабларига, дунё меҳнат стандартлари талабларига тўла жавоб бериши керак. Комиссия шуларнинг барчасини текшириб чиққандан сўнггина рухсатнома беради. Ахир, Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг чет элда ҳам ижтимоий ҳимояланиши таъминланиши керак-да.

Суҳбатдош: Беҳзод ШУКУРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

ИҚТИСОД ВА ИСЛОҲОТ

Толаси талаш корхоналар



ҚАШҚАДАРЁ ПАХТАНИ ҚАЙТА ИШЛАШ САНОАТИ КОРХОНАЛАРИНИНГ МЕҲНАТ ЖАМОАЛАРИ ЖОРИЙ ЙИЛ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ХОРИЖГА ЭКСПОРТ ҚИЛА БОШЛАЩДИ

Кечагина далаларда оппоқ очилган пахталарни кўриб кўзлар қувонган эди. Бугун ушбу саранжомлаб олинган хомашё корхоналарда қайта ишланмоқда. Одамларнинг эндиги диққати етиштирилган хомашёни қабул қилиб олган қайта ишлаш корхоналари фаолиятига қаратилган.

— Корхоналаримизни узлуксиз хомашё билан таъминлаб туриш мақсадида, — дейди «Қашқадарёпахтасаноат» бирлашмасининг раиси Рустам Жўраев, — ўтган йил бошиданоқ хўжаликлар ва деҳқон-фермер хўжаликлари билан 420 минг тоннадан зиёдроқ пахта қабул қилиш юзасидан шартнома тузгандик. Талаб ва таклифга қараб тасарруфимиздаги 12 та пахта тозалаш корхонаси ва 40 та қабул пунктларини барвақт таъмирдан чиқарганмиз. Хўжаликларга пахта хақининг асосий қисмини олдиндан аванс тариқасида тарқатгандик. Қолганини ҳам мана шу кунларда узяяпмиз...

Бирлашма раиси мақтовини келтирган корхоналардан бири — Чироқчи пахта тозалаш очиқ ҳиссадорлик жамиятига бордик. Жамият мамлакат турдош корхоналари ичида энг кўп тола етиштираётган меҳнат жамоаларидан биридир. Ҳар мавсумда бу ерда 27 минг тоннадан зиёд пахта қайта ишланади. Тола сифати 97,7 фоизгача етмоқда. Шу маънода 2001 йил ҳосилидан ўтган йили тайёрланган 2 миллиард 792 миллион сўмлик маҳсулотнинг юз фоизи, аниқроғи, 6903 тонна тола — Швейцария, Англия, Италия, Жанубий Корея сингари чет давлатларга сотилди...

— Ўтган йилги ҳосилнинг толаси эса янада баракали бўлди, — изоҳ берди жамият раиси Абдуҳаким Бейтуллаев. — Толамиз чет эллик мижозларимиз орасида талаб бўлмоқда. Даставвал, ўтган йилги ҳамкорларга жўнатдик... Тола чиқиш фоизи ҳам, момиқ сифати ҳам — ҳаммаси жойида... 380 кишилик жамоамизнинг якдил меҳнати самараси, бу!

...Биз раис фахр билан тилга олган жамоа ишчи-хизматчиларининг ижтимоий муҳофазаси билан қизиқдик. Аввало, рақамларга эътибор беринг: шифога муҳтожларга дори-дармон ва даволаш учун 400 минг сўм, ишчи хизматчиларнинг болаларини дам олиш лагерларига юборишга 3 миллион 613 минг, махсус кийим-кечакларга салкам 2 миллион, жамоани ҳар куни иссиқ овқат билан таъминлаш учун 5,5 миллион, моддий ёрдам учун эса 830 минг сўм миқдорида корхона ҳисобидан маблағ ажратилибди. Шунингдек, жамоада ишлаб, ҳозир нафақада бўлган кишиларга гилам, дам олишлари учун ҳамда моддий ёрдам сифатида 1,5 миллион сўм миқдорида ёрдам пули ажратилди. Бу маълумотларни яна давом эттириш мумкин, лекин гап — «маълумот»да эмас, аксинча корхонада одамлар кўнглини топиб иш юритилаётганида.

— Баҳор ойлари эди, — ҳикоя қилади вилоят пахта саноати бирлашмаси раисининг биринчи ўринбосари Шодмон Тўраев. — Пахта йиғим-теримига барвақтроқ ҳозирлик кўриш мақсадида корхоналар ўртасида мусобақа ташкил қилдик. Ғолибларни аниқлашда республика ташкилотлари ва вилоят «Пахтасаноат» идораси мутахассислари, ёнғиндан сақлаш бошқармаси бошлиқлари таркибидан иборат бир гуруҳ комиссия аъзолари иштирок этишди. Ўшанда Қарши пахта тозалаш корхонаси совриндор бўлди. Сабаби, бу ерда ёшлар билан тажрибали мутахассислар тил топишди, ёнма-ён меҳнат қилишди. Бу ҳамжиҳатлик йиғим-терим даврида асқотди. Қолаверса, корхона раҳбари Хушвақт Қиличевнинг ўзи ҳам пахтачилик саноатида суяги қотган мутахассислардан эмасми, меҳнатни, меҳнат қилганни қадрлашни йўлга қўйди. Корхона ҳовлисидаги қарийб ўн беш сотих боғда етиштирилаётган мева-чева, полиз ва резавор мевалар — ҳаммаси меҳнат аҳлининг насибаси қилиб қўйилди.

2001 йили корхонада 23 минг 600 тонна пахта қайта ишланди. Бу йил эса бу рақам 30 минг тоннага етиши ва тола тайёрлаш — 8217 тоннадан 10 000 тоннага чиқиши мўлжалланган. Соф фойда ҳам шунга яраша — тахминан 1,5 баравар кўп (ўтган йили 37 миллион сўм эди!) бўлиши режалаштирилган.

Ҳа, «Қашқадарёпахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмасига қарашли қайси бир корхонага борманг, жорий йил маҳсулотларини тезроқ ва юксак унумдорлик билан қайта ишлаш, ишлаб чиқарилган сифатли маҳсулотни кўпроқ хорижий буюртмачиларга экспорт қилиш, пировардида, мамлакатимизга валюта олиб келиш йўлидаги саъй-ҳаракатларнинг гувоҳи бўласиз. Ўтган йили бирлашмада ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича эришилган 40 миллиард 169 миллион 934 минг сўмлик кўрсаткичнинг бу йил 1,5 бараварга кўпайишини таъминлашга бўлган ҳаракат ҳазилакам ишми? Ишлаб чиқарилган юз минглаб тонна юқори сифатли пахта толаси (93,2 фоиз!) Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигига қарашли «Инновация», «Ўзмарказимпекс», «Ўзсаноатмашимпекс» савдо компаниялари орқали АҚШ, Буюк Британия, Швейцария, Италия, Австрия, Гонконг, Жанубий Корея, Сингапур, Франция, Россия, Украина сингари мамлакатларга экспорт қилиниши миллион-миллион нақд валюта-ку.

Маъмуржон УМРЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Маликрабодда янги коттежлар

Кармана туманининг ташкил топиши Навоий тумани марказини ўзгартиришни тақозо этарди. Шу боис асрий қадамжолар — Маликрабод томон кўчган туман марказий қўрғонида қурилиши, тикланиши керак бўлган бинолар, иншоотлар кўп. Яқинда туман маркази қурилаётган ҳудудда бир йўла 6 та энг замонавий турар жой бинолари қурилиб ишга туширилди. Бу қулай, ихчам коттежлар туркумини Қизилтепадаги «Наврўз» масъулияти чекланган жамият қурувчилари бунёд этишди. Наврўз байрами тантаналарига уйғун тарзда қурувчилар яна 3 та коттежни ишга туширишмоқчи. Қувончлиси, янги йилнинг дастлабки ойида кўплаб маликрабодликларга янги уй калитлари топширилганидир.

Музаффар ШАРОПОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

ЭЛГА ХИЗМАТ — ОЛИЙ ҲИММАТ

Бозоринг шундай бўлса!..

ЁКИ УНГА БОШ-ҚОШ БЎЛИБ, САВДО ХИЗМАТИ МУАММОЛАРИНИ МОҲИРОНА УДДАЛАЁТГАН ТАДБИРКОР АЁЛ ҲАҚИДА



Хўжайлида раҳматли Сейтжон оға Матжоновнинг номини ҳурмат билан ёдлашади. Боиси, у 200 минг нафарга яқин аҳоли истиқомат қилаётган туман деҳқон бозорига бош-қош бўлган йилларда бозор ҳамиша гавжум бўлиб, Ўш — Андижон — Тошкент — Нукус — Қўнғирот йўналиши бўйича турнақатор автомобиллар бу ерда албатта тўхтаб ўтарди. Дарвоқе, Сейтжон оға бозорни ободонлаштириш, кенгайтириш, сотувчилар ва харидорларга қулай шарт-шароитлар яратиш борасида кўп хайрли ишларнинг устида турди. Кутилмаганда у киши оламдан ўтдилару бозордан файз кетди. Кўп одамлар бозор бошқарувига тайинлаб кўрилди. Аммо иш аввалгидек ривож топавермади.

...Замона зайлини қарангки, (оға балки тириклигида ҳаёлига ҳам келтирмагандир) орадан йиллар ўтиб, бозорга бош бўлиш масъуллиги оқсоқоллар маслаҳати билан унинг қизи — Илёга тушди.

Илё Матжонова ёшлигидан ота ишларини кузатиб юриб, кўзи анча пишиб қолганди. Қарабсизки, кўп ўтмай Хўжайли деҳқон бозори яна гавжумлаша бошлади. У очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятига айлантирилди. Савдо-сотиққа барака кирди. Қурилиш, ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари авж олди. Бозор «Карвон» ҳиссадорлик жамиятидан бўшаган майдонлар ҳисобига кенгайди. Тадбиркорлар учун замонавий дўконлар, ошхона, дорихона ва бошқа маиший хизмат шахобчалари яратилди. Шаҳарда унинг янги филиали — транспорт воситалари учун эҳтиёт қисмлар бозорчаси ташкил этилди. Чорва молларига ем-хашак сотишга мўлжалланган майдончалар саранжом-сариштa ҳолига келтирилди. Бинолар, йўл-йўлаклар, расталар таъмирдан чиқарилди. Ҳудуд бўйлаб оқиб ўтувчи Тошлиёб канали атрофида умумий майдон — 40800 квадрат метрга тенг янги расталар қад кўтарди. Тумандаги 33 та хўжалик, ташкилотлар ва фермерлар билан ўзаро шартномалар тузилиб, қишин-ёзин қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотуви йўлга қўйилди. Республикамизнинг Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё, Бухоро, Хоразм вилоятларидан турфа маҳсулотлар узлуксиз келиб туриши учун қулай имкониятлар вужудга келтирилди. 400 ўринли тим — усти берк бозор қурилиши барвақт битказилиб, ишга туширилди. Кейинчалик гумбаз кўринишида яна икки ёпиқ бозор, 50 ўринли чойхона, 80 кишига мўлжалланган меҳмонхона, гўшт-сут, балиқ маҳсулотлари павильонлари, кийим-кечак бозори, универсал магазин, жамоат тартибини сақлаш ва солиқ хизматларининг таянч пунктлари каби қурилишлар режалаштириб қўйилди.

— Бу ишларнинг ҳаммасини асосан соф фойда ҳисобига амалга ошираяпмиз, — дейди Илё Матжонова. — Йилига ўрта ҳисобда 6,8-7,8 миллион сўм фойда қилаяпмиз. Бурноғи йили 30 миллион 58 минг сўм даромад олинган бўлса, бултур бу кўрсаткич 78 миллион 308 минг сўмни ташкил этди. Бунинг 8 миллион 444 минг сўми соф фойда. Ҳар бир акцияга 460 сўмдан дивиденд беришни мўлжаллаб турибмиз.

Обод маҳалла йилида бозоримиз қиёфаси, ҳусни янада кўркамлашиши билан бирга сотувчиларга ҳам, мижозларга ҳам савдо хизмати маданиятини тобора яхшилайверамиз. Январь ойи режасини ошириб адо этдик.

...Жамият раиси сўзини шу ерда тўхтатгандек бўлди. Лекин у яна нималарнидир айтишга чоғланди-ю, «мақтанчоқлик бўлмасмикан?» деган фикрга бордими, наздимизда айтолмай тургандек туюлди. Сўнгги савол-жавоблардан маълум бўлдики, жамият жамоаси олинган соф фойда ҳисобидан кам таъминланган, кўп болали, боқувчисини йўқотган, ногирон оилаларга, уруш ва меҳнат фахрийларига моддий ва маънавий ёрдам ҳам кўрсатиб келаётган экан.

...Кироийи бозоринг ва бозор раҳбаринг шундай бўлса...

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Қишлоқда — электрон рақамли телефон

Сирдарё вилоятининг Мирзаобод тумани маркази — Наврўз қўрғонида 1024 ўринли электрон рақамли телефон станцияси фойдаланишга топширилди. Бу муҳим тадбир қисқа фурсатларда ҳамда юқори малакали мутахассислар томонидан амалга оширилгани эътиборга лойиқдир. Электрон рақамли телефон станциясининг ишга туширилиши билан қишлоқ аҳолисига телефон хизмати кўрсатиш сифати замонавий талаб даражасига кўтарилди.

Шу йилнинг дастлабки чораги мобайнида вилоятнинг Боёвут, Меҳнатобод туманлари марказларида ҳам ана шундай замонавий телефон станцияларини ишга туширишни мўлжаллаган.

Умар АБДУЖАЛИЛОВ

● ИНТЕР-СПОРТ

Ғолибларга 20 минг доллар

МДҲ мамлакатлари чемпионлари кубоги учун ўтказилган мусобақа ғолиби — Тирасполнинг «Шериф» футбол жамоасини шарафлаш маросими бўлди. Тираспол спорт саройи ҳар қанчонгидан гавжумлашди. Мухлислар ғолиб футболчилардан дастхатлар олишди. Молдова футбол федерацияси турнир ғолиблигини қўлга киритган «Шериф» жамоасига 20 минг АҚШ доллари тақдим этилганини маълум қилди. Қизиғи шундаки, «Шериф» футболчилари бу сармояни тантанали маросимда Тираспол болалар футбол мактаб-интернатига саховат қилмоқчи эканини эълон қилишди. Кеч оқшом ғолиб жамоа шарафига мушакбозлик бўлди.

Каспаров дуранг қилди

Маълумки, шу кунларда моҳир шахматчи Гарри Каспаров билан Исроилнинг компьютерларараро жаҳон чемпиони «Дип Жуниор» ўртасида ўзаро баҳс давом этмоқда. Гарри Каспаров биринчи партияни ўз фойдасига ҳал қилган эди. Иккинчи партиянинг 21-юришида томонлар дурангга имзо чекишди. Шундай қилиб, Каспаров 1,5:0,5 ҳисобида олдинда бормоқда.

Сафин майдонга тушолмайди

Машҳур теннисчи Марат Сафин «Дэвис кубоги» учун курашнинг жаҳон гуруҳи 1/8 финал учрашувида иштирок этолмайдиган бўлди. Бу учрашув Чехия — Россия жамоалари ўртасида бўлиб, 7-9 февраль кунлари Острав шаҳрида ўтказилиши мўлжалланган. Гап шундаки, Австралия очиқ чемпионатида Марат Сафиннинг чап қўл бармоқлари жароҳатланган эди. Россия жамоасида Евгений Кафельников, Михаил Южний, Шамиль Тарпищев, Николай Давиденко, Игорь Андреевлар иштирок этадилар. Чехлар шарафини Роберт Кречлер, Иржи Новак, Ради Степанек, Мартин Даммлар ҳимоя қилишади.

12 февралда муҳокама этилади

Атом энергияси бўйича халқаро агентликнинг 12 февралда бўладиган йиғилишида Шимолий Кореянинг ядровий дастури бўйича юзага келган муаммо муҳокамага қўйилади. Бу ҳақда агентлик раҳбари Муҳаммад ал-Барадей маълум қилди, дейилади Reuters хабарида.

МАДРИД ШАҲРИ КЎРИНИШИ

Диққат, грипп эпидемияси

«Новости» агентлиги берган хабарга кўра, Бишкекда 10 нафар бола гриппдан вафот этди.

Ҳозир Қирғизистонда грипп билан оғриганлар меъёрдан бир ярим баробар ортиб кетган. Беморларнинг асосий қисмини болалар ташкил этади. Шунинг учун маҳаллий раҳбарият шаҳардаги барча мактабларда карантин жорий этди ва 8 февралгача мактабларни ёпиб қўйди.

Қирғизистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ахборотида баён этилишича, эпидемияга қарши комиссиянинг чоршанба куни бўлиб ўтган йиғилишида бу ҳақда қарор қабул қилинган.

Шунингдек, Россия тиббиёт фанлари академиясининг илмий текшириш институти Россияда ҳам грипп эпидемияси бошланганлигини маълум қилди. Шу кунларда Омск, Ростов-на-Дону ва Астраханнинг катта ёшдаги аҳолиси ўртасида эпидемия кенг тарқалган. 20дан 26 январгача Россия бўйлаб ўтказилган кузатув натижаларида қайд этилишича, Москва, Новосибирск, Мурманск, Архангельск, Киров, Барнаул, Магадан шаҳарларида асосан ўқувчилар, Волгоградда 2 ёшгача бўлган гўдаклар, Челябинскда эса 15 ёшдан ошган ўсмирлар бу касалликка чалинган. Мазкур кўрсаткич бир ҳафта аввал ўтказилган кузатув натижаларига солиштирилганда касаллик кенг тарқалиб бораётганлиги маълум бўлди.

● ШАРҲЛОВЧИ МИНБАРИ

Ироқ: вазият қалтис

Маълумки, Ироқ муаммосини бугунги кунда дунё жамоатчилиги диққат билан кузатиб бормоқда. Воқеалар ривожи қай томон йўналишига улар бефарқ эмас. Шу жумладан, Америка ё Ироққа нисбатан муносабат билдиришда ҳам собит туришибди. Буни БМТнинг Хавфсизлик Кенгашида уч кун давом этган муҳокамалар натижаси ҳам кўрсатиб турибди.

БМТнинг Ироқдаги инспекторлари бошлиғи Ханс Бликснинг халқаро инспекторлар томонидан Ироқдаги текширувлар натижаларига бағишланган 16 бетдан иборат ҳисоботи Оқ уй маъмуриятини ишончлик қониқтирмади. Сабаб: Ироқдаги оммавий қирғин қуролларини қидириб топиш мақсадида ўтказилган халқаро инспекторларнинг шу кунгача текшируви кўп ҳам самара бермади.

Reuters узатган хабарга кўра, муҳокаманинг охирги раунди ёпиқ эшиклар ортида ўтказилган. Бир неча соатга чўзилган мазкур муҳокамадан сўнг БМТ вакиллари журналистларга шуни маълум қилдики, Саддам Ҳусайн тузумини ағдариб ташлаш тарафдори бўлган АҚШ ва Буюк Британия ўз фикрларида қолдилар. Улар фикрини Болгария ва Испания қўллаб-қувватлади. Бундан ташқари АҚШнинг Ироққа қарши ҳарбий режасини маъқуллаб яна 6 та давлат бошлиқлари ҳам Лондонда ҳужжатга имзо чекканлар. Улар Португалия, Польша, Венгрия, Дания, Чехия ва Италия давлатларидир.

БМТ Хавфсизлик Кенгашининг қолган доимий аъзолари — Россия, Хитой ва Франция эса ҳарбий режани қўллаб-қувватламадилар. Шунингдек, Германия, Мексика, Сурия, Чили, Гвинея ва Камерун Ироқни тинч йўл билан қуролсизлантириш йўлини маъқуллаб чиқдилар. Бу маълумотлар пайшанба куни Европанинг деярли барча газеталарида чоп этилди.

Шуни таъкидлаш лозимки, кейинги ҳафтанинг чоршанбасида АҚШ давлат котиби Колин Пауэл Ироқда оммавий қирғин қуроллари борлиги ҳақидаги ҳужжатни БМТ Хавфсизлик Кенгашига ошкор этмоқчи. Ироқдаги халқаро инспекторлар гуруҳи раҳбари Ханс Бликс эса ўз қўл остидаги инспекторлар тополмаган қуролни америкаликлар қандай қилиб топганлигини эшитиш учун ҒФР ташқи ишлар вазири Йошка Фришер билан бўладиган учрашувини бекор қилди. Бу учрашув кейинги ҳафтанинг чоршанбасига белгиланган эди.

АҚШ бугунги кунда ҳарбий ҳаракатларга тайёргарликни давом эттирмоқда. Мамлакат ҳарбий ҳаво кучларининг генерали Ричард Майерснинг айтишича, Ироқнинг шимолига Америка ҳарбийлари ташланган. Ироқ муҳолифчиларининг хабарларига қараганда, ҳарбий самолётлар курдлар назорати остидаги Шаклава шаҳри яқинидаги Харир аэродромига келиб қўнган.

«Интерфакс» берган маълумотларда ёзилишича, Форс кўрфазига шу кунгача 100 мингдан ортиқ Америка аскарлари келтирилган. Бундан ташқари АҚШ заҳира учун яна 15 минг 718 нафар йигитни ҳарбий хизматга чақирмоқда. Шундай қилиб заҳира учун чақирилганлар сони 94 минг 624 нафарни ташкил этади. Агар бу рақамни хизмат турлари бўйича бўладиган бўлсак, 6471 йигит қуруқликдаги қўшин учун, 14672 нафари ҳарбий ҳаво кучлари учун, денгиз пиёдалари хизматига — 8729, ҳарбий денгиз кучларига — 5476, қирғоқ мудофаасига эса 1051 нафар чақирилувчи тўғри келмоқда.

1991 йил «Саҳродаги бўрон» ҳарбий операцияси даврида 106 минг йигит заҳира учун ҳарбий хизматга чақирилган эди.

Демак, воқеалар ривожи шуни кўрсатмоқдаки, Ироқда ҳарбий операциялар ўтказилиши аниққа ўхшаб турибди. «Новости» ахборот агентлигининг маълумотларига қараганда, бу февралнинг йигирмасидан сўнг юз бериши мумкин. Бу ҳақда номини сир сақлаш шарти билан Пентагон вакили NBC телекомпаниясига сешанба куни кечқурун маълум қилган.

CBS телекомпаниясининг хабарига таяниб яна шуни айтиш мумкинки, агар ҳарбий операция бошлангудек бўлса, 2 кун давомида Ироқнинг аввалдан белгиланган стратегик ҳудудларига 800 та қанотли ракета ташланиши Пентагон режасига киритилган. Бу Саддам Ҳусайн қўшинларининг қаршилик кўрсатиш қувватини батамом йўққа чиқаради. Пентагон вакилининг айтишича, бундай кўп сонли қанотли ракеталар ҳали ҳеч бир ҳарбий операцияда қўлланилмаган. Ҳатто 1991 йили 40 кун давом этган «Саҳродаги бўрон» операциясида ҳам қанотли ракеталардан бунчалик кўп фойдаланилмаган.

Ўз навбатида Ироқ ҳам кутилаётган ҳарбий операциядан ҳимояланиш чораларини кўрмоқда, яъни кимёвий ёки биологик қуроллардан муҳофазаланиш учун барча ҳарбийларга мудофаа кийимлари тарқатилмоқда. Уларнинг айтишича, АҚШ ёки унинг иттифоқчилари томонидан кимёвий ёки биологик қуроллар қўлланилиши мумкин эмиш. Бироқ бу гапни Оқ уйнинг юқори лавозимли вакили қатъий рад этди: «Саддам Ҳусайн мазкур турдаги қуролларни қўллаган тақдирда АҚШ ўзини ва дунёни ҳимоя қилиш учун қарши ҳужумга ўтади» деди у.

«Биз ўз ҳарбийларимизни энг замонавий ҳимоя воситалари билан таъминламоқдамиз. Шунингдек, юртимизга ҳужум уюштирилишига қарши тайёргарлик кўрмоқдамиз» деди Ироқ бош вазири Тариқ Азиз Британия телевидениесига интервью бераркан. Журналистларнинг «Оммавий қирғин қуролини биринчи бўлиб Ироқ қўлламаслигини кафолатлай оласизми?» деган саволига жавобан: «Ҳа, негаки, бизда ундай қурол йўқ» деди.

Шунингдек, Ироқ инқилобий қўмондонлиги кенгаши уруш бўлиш эҳтимоли борлигини назарда тутиб, фавқулодда қонун қабул қилди, дейилади «Новости» ахборотида.

Янги қонунга кўра, уруш даврида қуролли босқинчилик йўли билан ўғирлик қилиш ўлим билан жазоланади. Қуролсиз ўғирликлар собиқ жиноятчи томонидан амалга оширилса, унга ҳам шундай жазо тайинланади. Ҳарбий билетларни сохталаштириш эса 10 йилдан 15 йилгача қамоқ муддати билан жазоланади. Мазкур янги қонун 1991 йилги уруш тажрибасидан келиб чиқиб қабул қилинди. Ўшанда урушдан кейинги йиллари Ироқда ўғирлик ва босқинчилик авж олиб кетган эди. 1997 йилга келибгина БМТ томонидан «Нефтга озиқ-овқат айрибошлаш» дастури амалга оширилгач, босқинчиликлар камайган эди.

Ҳозирги кунда Ироқдаги вазиятни ҳисобга олиб, Япония, Индонезия сингари бир қатор давлатлар Ироқдан ўз фуқароларини, дипломатия вакилларини чақириб олдилар. Эндиликда эса Россия ҳам 5 февралдан 15 февралгача бўлган муддатда Ироқдан ўз фуқароларини чақириб олишни мўлжаллаб турибди.

«НТВ» телеканали қайд этишича, келгуси ҳафта чоршанбада Россиянинг Бағдоддаги элчихонасида бўладиган йиғинга Россиянинг Ироқдаги барча компания ва корхоналари ишчи-ходимлари таклиф этилди. Йиғилишда уларни эвакуация қилишнинг аниқ чора-тадбирлари муҳокама этилади.

Қисқаси, Интернетдаги ахборотларга таяниб шуни айтиш мумкинки, БМТ инспекторларининг Ироқдаги кейинги фаолияти натижалари бўйича ҳисоботи 14 февраль куни кўпгина давлатлар томонидан кўриб чиқилади. Кейинги воқеалар қай томон ўзгаради буни вақт кўрсатади.

Алимқул СУЛТОН

Камбоджа учун чегара ёпиқ

Камбоджада юз берган таиландликларга қарши тартибсизликлар натижасида Таиланднинг Пномпендаги элчихонасига ўт қўйилди, дея хабар беради Reuters агентлиги. Шундан сўнг Таиланд ўз элчисини чақириб олди ва Камбоджанинг Таиланддаги элчисини эса мамлакатдан чиқариб юборди.

Таиланд бош вазири Таксин Шинаватранинг айтишича, икки давлат ўртасида дипломатик алоқалар сақланиб қолади, аммо бу алоқалар ўта паст даражада бўлади.

Эндиликда икки мамлакат ўртасидаги 800 километрлик чегара камбоджаликлар учун ёпиб қўйилди. Бу ҳақда Таиланд мудофаа вазири хабар берди. «Чегара расмий ёпилгани йўқ, лекин биз камбоджаликларни ўз мамлакатимизга қўймаймиз. Фақат хорижлик сайёҳларнигина ўтказамиз» деди у.

Рекорд кўрсаткичга етди

Ўтган йилнинг декабрь ойида Германияда ишсизлар сони 28 мингга кўпайиб, кейинги 4 йиллик кўрсаткичда рекорд натижага етди. Шу кунларда Германияда 4,225 миллионта ишсиз бор. Бу меҳнатга яроқли мамлакат аҳолисининг 10 фоизини ташкил этади. Ноябрда бу кўрсаткич 9,7 фоизни ташкил этган эди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Ғарбий Германияда ишсизликнинг ўртача кўрсаткичи 8,2 фоиз бўлгани ҳолда мамлакат шарқида бу рақам 18,4 фоизга тенглашиб қолади.

● СИЗ ЁҚТИРГАН САНЪАТКОР

Овозида авж, қалбида туғён бор

«Навбат Ўзбекистон халқ артисти Қўрқмас Муҳитдиновга», дея бошловчи эълон қилиши биланоқ залда ҳар гал олқишлар янграйди. У саҳнага чиқади, томошабинлар ҳар доимгидек унинг гўзал ва авж пардали овозини маҳлиё бўлиб тинглашади. Дарҳақиқат, бундай кучли овоз учун микрофон ҳам шарт эмас...

— Умуман артист бўлиш ниятим йўқ эди, ҳатто оддий мусиқий машғулотларда ҳам қатнашмаганман, — дейди Қўрқмас Муҳитдинов. — Тасодифан қўшиқчи бўлиб қолганман. Лекин мусиқани болалигимдан севардим. 16 ёшимда тўқимачилик комбинатида ишлардим. Кейинчалик геологлар билан Устюрт сафарига жўнадим. Албатта, пластинкалар эшитиб, ўзимча қўшиқ айтиб юрардим.

Бир куни хиргойи қилаётганимни холам эшитиб қолди — у Москва консерваторияси қошидаги опера студиясида ўқиган ва қолаверса, бу даргоҳда бизнинг кўплаб машҳур қўшиқчиларимиз ҳам таълим олишган. Холам мени етаклаб мусиқа билим юртига олиб борди. Тажрибали муаллим Игорь Бризгалов овозимни эшитиб кўргач, 1965 йилнинг 30 августида деярли ҳеч қандай имтиҳонларсиз билим юртига ўқишга қабул қилиндим.

— Сиз менга «Эртага келинг» фильмидаги қаҳрамонни эслатдингиз. Унда Екатерина Савинова консерваторияга кириш учун Сибирдан келган қиз ролини ижро этганди.

— Чиндан ҳам ўша фильм воқеалари менинг ҳаётимга жуда ўхшаш. Муҳими, менинг ҳаёт йўлимда яхши одамлар кўп учради. Бироқ, фильмдан фарқли томонлар ҳам бор. Савинова қаҳрамони — Фрося Бурланова қўшиқ айтиш билан эртадан кечгача

1

машғул бўлишга тайёр, мақсадига астойдил интилувчи қиз. Мен эса ўша йилларда бироз дангасароқ эдим. Албатта, ўшанда орқамдан юриб, мени машғулотларга қайтаришга жазм этган ўқитувчиларимдан ҳозир жуда миннатдорман. Уларнинг барчасини эслайман, улар ҳам мени эслашади. Ўшанда бир йилни бекорга йўқотганимдан афсусдаман. Билим юртида 4 йил ўрнига 5 йил ўқиган ягона талаба мен бўлсам керак. Шунингдек, қўшиқчилик мутахассиси бўйича икки плюсли беш билан тугатган талаба сифатида ҳам ягона эдим.

Кейин мен ўзимизнинг консерваторияга ўқишга кирдим. Биринчи курсдан сўнг, қўшиқ айтишни энди бошлаган бўлишимга қарамасдан, Вильнюсда ўтадиган вокалистлар танловига боришга жазм этдим. Бироқ у ерда омадим чопмади. Шу билан мен учун гўё ҳаммаси тугагандек эди. Аммо Москва консерваторияси профессори Гуго Тиц мени Москвада ўқишга таклиф этиб қолди.

— Муваффақиятсизлик — сабоқ, бироқ сизда овоз борку, — деди у.

Мени шубҳа тарк этмаётганди, лекин устоз Павел Лисицианнинг ўзи ҳам қўллаб-қувватлаб турди. Шундан сўнг, худди кинодаги каби, нотаниш катта шаҳарга йўл олдим. У ерда мени консерваториянинг иккинчи курсига ўқишга қабул қилишди. Шундай қилиб профессионал қўшиқчи бўлганман. 1975 йилда Тошкентга қайтдим. Шундан буён Алишер Навоий номидаги Катта академик театрда ишлаяпман.

— Шундан кейинги фаолиятингиз томошабинларнинг кўз олдида кечиб, сиз театрда қўйилган энг яхши операларда бош ролларни ижро этдингиз, шундайми?

— Ҳа, роллардан ҳам, ҳамкорлардан ҳам омадим чопди. «Борис Годунов»да ўзбеклардан биринчи бўлиб бош роль — Борис Годуновни, «Фауст»да Мефостофелни, «Севильялик сартарош»да Базилиони ўйнадим. 1981 йилда «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист», 1986 йилда «Ўзбекистон халқ артисти» деган юксак унвонларга сазовор бўлдим.

Театр чиндан ҳам менинг тақдирим. Рафиқам Ольга Александрова билан ҳам шу ерда танишдик. У ҳам қўшиқчи, Новосибирск консерваториясини тугатиб, Тошкентга келган. Мана, йигирма йилдирки, биргамиз. У ҳам Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, тажрибали педагог ва масъулиятли инсон. Менинг ишонган суянч тоғим у...

— Энг қийин йилларингиз қачон бўлган?

— 80-йилларнинг охири бўлса керак.

— Театрни Сиз бошқарган йилларми?

— 1987-1990 йиллар яккахонларга ҳам, артистларга ҳам, директорга ҳам осон кечмаган. Ҳаловатсиз кезлар эди... Ҳамма сиёсат билан шуғулланиб, санъат гўё иккинчи даражали иш бўлиб қолганди. Кимлардир ҳатто симфоник оркестрлар, классик (мумтоз) асарлар бизга керакми, деб юришди. Собиқ иттифоқ мамлакатларида баъзи театрлар ўта қашшоқлашиб қолди. Мен ўшанда театримиз ва жамоани сақлаб қолганимдан хурсандман. Тўғри, театр жуда катта маблағ талаб қиларди, мен ҳомий қидиришга, ускуналар, безаклар излашга мажбур эдим.

Яхшиямки, ҳозир бошқа давр. Мустақил Ўзбекистонда санъатга, маданиятга эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Консерваториямизнинг янгидан қурилган муҳташам биноси — бунинг яққол исботи. Президентимиз санъатга бежиз бунчалик катта эътибор бе-

2

раётгани йўқ, гап — маънавият ҳақида кетаяпти, ахир! Шунинг учун ҳам мен қалбимга ва шууримга яқин бўлган бу улуғ зотдан шахсан жуда-жуда миннатдорман.

— Сиз ҳозир операнинг жаҳондаги ва биздаги ўрнини қандай баҳолайсиз?

— Қисқача айтсам, Европада опера маданияти шубҳасиз, юксак, лекин биздаям чет элликларни ҳайратга соладиган даражада спектакллар, қўшиқчилар бор. Демоқчиманки, ҳали кўп ишлар қилишимиз лозим бўлса-да, лекин, ғурурланадиган ютуқларимиз ҳам йўқ эмас.

— Сиз ёқтирган энг яхши қўшиқчи — кумирингиз ким?

— Ягона қўшиқчи — дунё бўйлаб тан олинган Федор Иванович Шаляпин. У — ўта гўзал образлар яратган буюк артист.

— Ҳозир телеканалларда «опера юлдузи» сифатида тез-тез чиқаётган Николай Басков ҳақида қандай фикрдасиз?

— У, шаксиз, яхши эстрада ижрочиси, бироқ, Басков мумтоз тушунчадаги опера қўшиқчиси эмас. Тўғрироғи, у ўз мухлисларига завқ улашаётган вокалчи. Мени кўпроқ Александр Малинин қизиқтиради. Айниқса, рус романсларини айтишда у ўзига хос усулга эга. Доим ижодий изланишда. Мен уни ҳамкасбим сифатида биламан ва ҳурмат қиламан.

Опера қўшиқчисининг концертларда қўшиқ айтиши одатий ҳол ва табиий. Бироқ санъаткор ария айтадими ёки бошқа хил қўшиқларми, қўшиқчилик маҳоратини яхши ўзлаштириб, нозик ва қатъий бадиий дидни эгаллаган бўлиши ҳам лозим.

— Сиз яқиндан Ўзбекистон Давлат консерваториясининг академик қўшиқчилик ва опералар тайёрлаш кафедраси мудирисиз. Ташвишлар ҳам кўпайган бўлса керак?

— Олдинги ўқувчиларимнинг икки нафари ҳозир театримизда ишлаяпти. Бугунги кунда яна бевосита уч нафар иқтидорли ўқувчи билан ишлаяпман. Шунингдек, бутун кафедранинг ва бу ерда шуғулланаётган ўнлаб шогирдлар масъулияти ҳам зиммамда, албатта. Улар ҳаммаси — кириш имтиҳонларидан муваффақият билан ўтган, мусиқий таълимга эга иқтидорли ёшлар орасидан қатъий танлов асосида танлаб олинганлари...

— Ўқув даргоҳларингиз учун қабулнинг асосий шарти истеъдод. Шундай экан, Сизларда ҳам «таниш-билишчилик» қилиш «имконият»лари борми?

— «Таниш-билишчилик» дегани бизда кетмайди. Лекин, баъзан кимнингдир овози жуда кучли бўлади-ю тестда керакли балларни йиға олмайди... Менимча, ижодий билим даргоҳларида мутахассислиги бўйича ижодий имтиҳон турини аввалгидек қолдириш керак.

Яқин ўртада шундай ўзгаришлар бўлиши ҳам мумкин. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Давлат консерваторияси фаолиятини ривожлантириш тўғрисида»ги қарори мусиқий малаканинг янги тизимини ташкил этиш ва санъат ходимлари малакасини оширишни мукаммаллаштириш каби масалаларни ўз ичига олади. Шундай экан, операнинг республикамизда ривожланишига, истеъдодларга бой юртимиз фарзандлари ўз мухлислари қалбига йўл топаверишларига ишончим комил.

Андрей ОРЛОВ суҳбатлашди

3

АКС-САДО

Музей мозийни англатса...

«Ўзбекистон овози» газетасининг шу йил 21 январь сонида **«Маҳалла музейи»** сарлавҳали мақола чоп этилди. Унда Учкўприк туманидаги Кенагас қишлоғида музей очилгани ҳақида хабар қилинади. Муаллифнинг фикрича, бу ҳар қанча қўллаб-қувватлашга лойиқ ташаббус бўлиб, маҳаллаларимизда музей ташкил этишни оммалаштириш керак.

Мазкур мақолани ўқиб менда ҳам ўз фикрларимни айтиш истаги туғилди. Туманимизда жуда кўп тарихий қадамжолар мавжуд. Биргина Зараутсой ғоридан топилган суратлар эрамиздан аввалги 800-500 йилликларга бориб тақалади. Ёки бир неча қўрғон харобаларидан топилган будда ҳайкалчалари, сопол қолдиқлари каби манбалар тарихий маълумотларни янада бойитган. Шу боисдан ҳам Сурхондарё вилояти Шеробод туманидаги Оққўрғон қишлоғида тарихий музей ташкил этилганди. У яқин йилларгача экспонатларга бойлиги жиҳатидан республикада кўзга кўринган музейлардан бири эди. Аммо ҳозир музейимиз қаровсиз ҳолда. Кўргазмалар залида ҳеч нарса қолмаган.

«Ўзбекистон овози» газетаси ташаббусидан сўнг, ушбу музейга ҳам яхшироқ эътибор берилса, ажабмас. Мутасадди идоралар ёрдамида туманимиз, маҳаллаларимиз ўтмишига тааллуқли ёдгорлик буюмлари, шунингдек, истиқлол учун курашган, қатағон йилларида қурбон бўлган инсонлар ва маҳалламиздан етишиб чиққан машҳур кишилар ҳақида маълумотлар берувчи манбалар ҳам музейдан жой олишини истардик.

Анвар САМАДОВ

Маҳалла ва мақол

Ўз маҳалангда ўзинг сулув,
Қўшни маҳаллада кийиминг сулув.

✧✧✧

Яхши одам юрт тузар,
Ёмон одам юрт бузар.

✧✧✧

Ўзга юртнинг донидан,
Ўз юртинг сомони яхши.

✧✧✧

Етти ёшга етгунча ер тўқмоғин ерсан,
Етмиш ёшга етгунча эл тўқмоғин ерсан.

✧✧✧

Тотув турмуш — узоқ умр.

Тўпловчи: Юнус ЗИЁДОВ

СПОРТ

2003 йил 24 январь

ЎЗБЕК КУРАШИ ОСИЁ ОЛИМПИЯ КЕНГАШИ ТОМОНИДАН РАСМАН ТАН ОЛИНГАН КУН

Бу сана энди ўзбеклигидан кўкси ғурур-ифтихорга тўла ҳар бир юртдошимиз учун қутлуғ кун бўлиб қолади. Чунки шу куни мустақил Ўзбекистон ҳаётида унутилмас воқеа содир бўлди. Қувайтда ўтган Осиё Олимпия Кенгашининг XXII Бош Ассамблеясида. Осиё Олимпия Кенгаши Низомининг 59-бандига «КУРАШ» сўзи ҳам ёзилди.

Энди қитъамизнинг барча мамлакатларида кураш спортнинг расмий тури сифатида тан олинади.

Бу ҳақда газетамизнинг ўтган сонида батафсил маълумот берилган эди.

Куни кеча Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасида ўтказилган матбуот анжумани ҳам айнан шу қувончли воқеага бағишланди. Тадбирда халқимизнинг атоқли шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов, Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Комилжон Юсупов, кураш мутасаддилари ҳамда республика оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этдилар.

– Халқаро Кураш ассоциациясининг ташкил топганига эндигина тўрт йил тўлди, – деди йиғилишни очар экан Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Комилжон Юсупов. – Қувонарлиси, ўтган қисқа вақт мобайнида дунёнинг 63 мамлакатида кураш бўйича федерациялар тузилди. Ҳозиргача ўзбек кураши бўйича тўртта жаҳон ва Осиё чемпионатлари, ер юзининг турли бурчакларида ўнлаб халқаро турнирлар ўтказилди. Агар спорт турлари тарихига назар ташланса, дунёда кураш каби халқаро майдонда тез тан олинган, эътироф этилган турни учратиш қийин. Бунинг бош сабаби эса миллий спорт туримизнинг пойдевори мустаҳкамлиги, илдизи теранлигидир.

Дарҳақиқат, шундай. Лекин, собиқ иттифоқ даврида кўплаб миллий қадриятларимиз сингари курашимиз ҳам топталди. Унинг тарихи, келажагига бефарқ қаралди. Фақат мустақиллик туфайли, Юртбошимизнинг қўллаб-қувватлашлари ва Халқаро Кураш ассоциациясининг фахрий Президенти бўлганликлари туфайли ўзбек кураши шу қадар тез обрў-эътибор топди.

– Умуминсоний фазилатларни ўзида ифодалаганлиги боис кураш халқаро майдонда тез обрў-эътибор топди, – деди анжуманда сўз олган Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов. – Дунёда кураш турлари кўп. Аммо улар орасида полвонлар мардона, ҳалол бел олишадиган ўзбек курашидек турни топа олмайсиз. Бугун бошқа халқларнинг ўзбек курашига қизиқиши ортиб бораётганлигининг сабаби ҳам шунда.

Йиғилишда таъкидланганидек, эндиги вазифа эса курашимизни Олимпия ўйинлари дастурига киритишдир. Бунинг учун халқаро мусобақалар сонини кўпайтириш, уларни юқори савияда ўтказиш талаб этилади. Халқаро Кураш ассоциациясининг режасига кўра, 2003 йилда ўн бешдан ортиқ халқаро турнирлар, ёшлар, ўсмирлар ўртасида қитъа ва жаҳон чемпионатлари ўтказиш мўлжалланган. Бу баҳсларни шу йил 22-23 февраль кунлари Исроилнинг Тель-Авив шаҳрида ўтадиган халқаро турнир бошлаб беради. Республикамизда эса кураш бўйича йилнинг энг аҳамиятли мусобақаси 5-6 апрель кунлари ўтказилади. Айнан шу вақтда Термизда етти вазн тоифасида ат-Термизий хотирасига бағишланган анъанавий халқаро турнир ўтказилади.

Эркин ХОЛБОБО

ХОРИЖИЙ НАШРЛАРДА

«Ўзбекистон — Марказий Осиё дарвозаси»

Мустақилликка эришганимиздан буён хорижий нашрларда Ўзбекистоннинг Марказий Осиё минтақасида тутган етакчи ўрни, бой иқтисодий салоҳияти, мамлакатимизда кечаётган ислоҳотлар жараёни хусусида туркум мақолалар чоп этилиши анъанага айланмоқда.

Ҳиндистоннинг нуфузли нашрларидан бири — «The Economic Times» газетасида «Uzbekistan gateway to Central Asia (Ўзбекистон - Марказий Осиё дарвозаси)» сарлавҳаси остида эълон қилинган мақола фикримизнинг далилидир. Унда нашр ўз ўқувчиларини мамлакатимизнинг бугунги иқтисодий салоҳияти ва бой табиий заҳиралари ҳақидаги маълумотлар билан таништиради.

— Ўзбекистон, — деб ёзади нашр, — нефть ва газ, кўмир, олтин, уран, мис, вольфрам, кумуш ва бошқа табиий қазилма конларига бой бўлган ўлкадир. Мамлакат қишлоқ хўжалиги ҳам яхши ривож топган. Ўзбекистон Республикаси пахта етиштириш бўйича дунёда бешинчи, уни экспорт қилиш бўйича эса иккинчи ўринни эгаллайди.

«The Economic Times» газетаси мамлакатимиз иқтисодиёти хусусида атрофлича маълумот берар экан, ўз муштарийларини Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг Ҳиндистон билан савдо-иқтисодий алоқалари мутлақо янгича мазмун ва моҳият касб этгани, икки дўст мамлакат ўртасида кўплаб ҳукуматлараро ва халқаро ҳужжатларнинг имзолангани каби муҳим жиҳатлардан ҳам хабардор қилади.

Газета Ўзбекистонни Марказий Осиё минтақасининг дарвозаси эканини эътироф этиш билан бирга ҳинд ишбилармон доираларини мамлакатимиз билан яқиндан ҳамкорлик қилишга чорлайди.

Хусусан, Ҳиндистоннинг МДҲ мамлакатлари савдо палатаси томонидан шу йилнинг 19-21 март кунлари пойтахтимиздаги Интерконтинентал меҳмонхонасида ўтказилиши режалаштирилган савдо кўргазмаси ҳинд ишбилармонларига Марказий Осиё бозорларига йўл очиб беражагини таъкидлайди.

Шуҳрат УМИРОВ,
«Жаҳон» АА мухбири. *Деҳли.*

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV
TAHRIR HAY'ATI
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA'DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To'lepbergen QAIPBERGENOV
Farmon OMONOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Siyosat, partya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma'naviyat va ma'rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 133-72-83
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Toshkentda — 133-44-55
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi
Behzod SHUKUROV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 163
16275 nusxada bosildi
Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 22.50
1 2 3 4 5 6
SOTUVDA ERKIN NARXDA

Сержило тафаккур дурдоналаридан*

ПЕТР ЯКОВЛЕВИЧ ЧААДАЕВ — РУС МУТАФАККИРИ. 1794 — 1856 ЙИЛЛАРДА ЯШАГАН:

- Одамлар, биргаликда яшар эканлар, нима ишлаб чиқарадилар? Азот ишлаб чиқарадилар, яъни бир-бирларини қирадилар.
- Францияда фикр нимага керак? — Уни айтиш учун. — Англиядачи? — Уни ижро этиш учун. — Германиядачи? — Уни ўйлаб кўриш учун. — Биздачи? — Ҳеч нимага.
- Одамлар борки, ақл билан ўзларига қалб яратадилар, бошқалари — қалб билан ўзларига ақл яратадилар: кейингилари кўпроқ нарсага ўлгурадилар, чунки, ақлдаги туйғуларга қараганда, туйғуда ақл анча кўпроқ.
- Мен ўз ватанимни савалашни маъқулроқ кўраман, уни хафа қилишни маъқул кўраман, уни ерга уришни маъқул кўраман, — фақат уни алдамасам бўлгани.
- Яхши кўрган кишиларингни яхши кўриб қолишдан осонроқ ҳеч нима йўқ; аммо, ёмон кўрган кишиларингни ҳам бироз яхши кўрмоқ керак.
- Ватанга муҳаббат — ажойиб нарса; бироқ, бундан ҳам ажойиброқ нарса бор, бу — ҳақиқатга муҳаббатдир.
- Қиёфаларида «йўқ» сўзи битилганлар бор; эътиқодли одам, беихтиёр, улардан ўзини четга олади.
- Омма, жамиятнинг сара аъзоларида ривож топадиган, алоҳида турдаги кучлар таъсири остида бўлади. Омманинг ўзи ўйламайди; унинг орасида унинг учун ўйлайдиган, миллатнинг жамлама нуқтаи назарини қўзғовчи ва уни олға ҳаракат қилишга мажбурловчи мутафаккирлар бор. Шу аснода, кам сонли кишилар фикрлайди, қолганлар ҳис этадилар, ва умумий ҳаракат намоён бўлади.
- Бизнинг бошқалар ортидан югуришимизга ҳожат йўқ; бизга ўзимизни очиқ баҳоламоқ, кимлигимизни тушунмоқ, ёлғондан чиқмоқ ва ҳақиқатда қарор топмоқ лозим. Шунда биз олға кетамиз, ва бошқалардан тезроқ юрамиз, чунки, биз улардан кечроқ келдик, чунки, биз уларнинг бутун тажрибасига ва ўзимиздан олдинги асрларнинг барча машаққатларига эгамиз.
- Агар қуллик уни таҳқирлай олмаган бўлса, бундай халқнинг ҳолига вой, бундай халқ қул бўлиш учун яратилган.
- Шарқни, инсоният анъаналарининг ушбу улкан музейини ўрганинг.
- Социализм, ҳақ эканлиги учун эмас, балки, унинг билан курашаётганларнинг ноҳақликлари туфайли, ғалаба қилади.
- Бахтли бўлишнинг фақат учта усули бор: фақат Худо ҳақида ўйлаш, фақат яқининг ҳақида ўйлаш, фақат битта ғоя ҳақида ўйлаш.
- Учта енгилмас нарса бор: даҳо, жасорат, туғилиш.
- Фақат касалликгина юқумлидир, соғломлик юқумли эмас; хатолик ва ҳақиқат билан ҳам шундай. Мана, нима учун хатолик тезроқ тарқалади, ҳақиқат эса — секин.
- Комилликка эришишга ягона мақсад билан: унга яқинроқ бўлишга интилаётганлargина муяссар бўладилар.

- Жамиятни олға ҳаракат қилишга, шу, ҳақиқат билан ёлғон ўртасида иккиланувчи, дорбозлар эмас, балки, жиддий одамлар мажбур этадилар.
- Сўз сезгир муҳитдагина эшитилади.
- Мен ўз ватанимни ёпиқ кўзларим, эгилган бошим, беркитилган оғзим билан севишга ўрганмадим. Одам ўз мамлакатига, уни аниқ-равшан кўра олганидагина, фойдали бўлиши мумкин.

ФРИДРИХ НИЦШЕ — НЕМИС ФАЙЛАСУФИ. 1844 — 1900 ЙИЛЛАРДА ЯШАГАН:

- Мен одамлар орасида, келажакнинг синиқ парчалари ичидагидай, юраман: ўзим кўраётган келажакнинг.
- Одам билан, худди дарахт биландай, нарса юз беради. Одам қанчалик юқорига, ёруғликка интилса, унинг илдизлари заминга, зулматга, ёмонликка чўзиладилар.
- Энг сокин сўзлар — бўронларни олиб келадиганлари.
- Каптардай учиб келадиган фикрлар дунёни бошқарадилар.
- Билувчи ҳақиқат сувига у лойқа бўлганида эмас, балки, у саёз эканида шўнғишни ёқтиради.
- Кўп нарсани ярим-ёрти билгандан кўра, ҳеч нимани билмаган яхши. Бегона фикрлар асосида доно бўлганга қараганда, ўзингча таваккал қилиб, тентак бўлган яхшироқ!
- Баъзан, мангу барҳаёт бўлиш учун бутун умрнинг баҳосини тўлаш керак.
- Нарсаларнинг моҳияти *яшашнинг* кўр-кўрона *истагида* эмас, яшамоқ — тарқалиш, ўсиш ва ғолиб бўлиш демак; нарсаларнинг моҳияти, бу — ҳокимиятнинг кўр-кўрона истаги, ва инсон қалбида юз берадиган барча ҳодисалар ушбу истакнинг намоён бўлиши сифатида талқин этилмоқлари керак дейилса, тўғрироқ бўлган бўлади.
- Одам ўз **айбини**, у бунга бошқанинг олдида иқрор бўлганида, эсдан чиқаради, аммо, ушбу бошқа киши уни, одатда, ёддан чиқармайди.
- Ким ўзини ерга урса, у кўтарилишни хоҳлайди.
- Яхши эр-хотинлилик дўстликка мойиллик истеъдодига суянади.
- Комила аёл, комил эркакка қараганда, инсоннинг юксакроқ хили, аммо, камёброқ нарса ҳамдир.
- Кишини ҳаётдан маҳрум қилишимиз мумкин бўлган ҳуқуқ бор, аммо, уни ўлимдан маҳрум қилишимиз мумкин бўлган ҳуқуқ йўқ.
- Манман кишига бошқаларнинг фикри эмас, унинг ўзининг уларнинг фикрлари тўғрисидаги фикри муҳим.
- Олижаноблик кўнгилчанлик ва ортиқча ишончдан ташкил топади.
- Ҳамдардлик азоб тортишдан кучлироқдир.
- Нозик қалбга кимнингдир ундан миннатдор бўлишга бурчли эканлигига иқрор бўлишлик қийин: дағал қалбга эса — ўзининг кимгадир миннатдор бўлиши кераклигини тан олиш.
- Эътиқодлар ҳақиқатнинг, ёлғонларга қараганда, хавфлироқ душманларидир.

(Давоми келгуси сонда.)

Русчадан Муҳаммад РАҲИМ ўғли таржимаси

**Рукн газетанинг 2001 йил 27 октябрь сонидан бошлаб берилмоқда.*

Юртимизда жонажон диёримиз байроғини жаҳондаги нуфузли мусобақаларда баланд кўтараётган спортчиларимиз талайгина. Ана шулардан бири спортнинг армрестлинг тури бўйича тўрт карра жаҳон ва олти марта Ўзбекистон чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлган гулистонлик Умиджон Аҳмедовдир.

У ҳозирги кунда Канадада ўтадиган навбатдаги жаҳон чемпионатига астойдил тайёргарлик кўрмоқда. Шунингдек, Умиджон Аҳмедов бу нуфузли мусобақага жўнаб кетишдан олдин бир неча турнирларда иштирок этишни ҳам режалаштириб қўйган.



Суратларда: *армрестлинг бўйича жаҳон чемпиони Умиджон Аҳмедов; машғулот пайти.*

Илҳом ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар

«ЯХШИ НИЯТ» ТЕЛЕВИЗИОН УЙ-ЖОЙ ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ 106-ТИРАЖИДА ЮТГАН ЧИПТАЛАР РАҚАМЛАРИ ҚИСҚА ЖАДВАЛИ

Чипталар, жадвал охиридан бошлаб, халтадан чиқмаган рақамлар бўйича текширилади. Ана шундай рақамдан биронтасининг чиптада мавжудлиги уни ютуқсизга айлантиради. Агар халтадан чиқмаган барча рақамлар чиптада мавжуд бўлса, унда ушбу чипта қўшимча турда ютуқли ҳисобланади. Сўнгра чипта серияснинг 1, 2, 3, 4 ва 5-турларда тўғри келиши текширилади. 6-турдан бошлаб мазкур турдаги рақамнинг чиптадаги мавжудлиги текширилади.

1 Тур	87	72	19	28	83	Сумма: 900	20 Тур	25 Тур
35	14	7	39	Сони: 2	Сони: 5	15 Тур	89	86
8	47	61	71	Телевизор	Сумма: 3000	50	Сони: 419	Сони: 3782
74	68	34	51	Чипта рақами	10 Тур	Сони: 43	Сумма: 300	Сумма: 100
30	31	69	2	10078249.1	85	Сумма: 800	21 Тур	26 Тур
53	37	36	82	50110283.3	Сони: 5	16 Тур	18	59
43	64	54	1	6 Тур	Сумма: 2000	60	Сони: 759	Сони: 5259
66	46	81	44	4	11 Тур	Сони: 55	Сумма: 200	Сумма: 100
Сони: 1	Сони: 1	25	49	Сони: 2	32	Сумма: 700	22 Тур	Қўшимча тур
Видеомагнитофон	Телевизор	23	62	Видеомагнитофон	Сони: 7	17 Тур	40	Сони: 198
Чипта рақами	Чипта рақами	12	48	Чипталар рақами	Сумма: 1500	26	Сони: 990	Сумма: 300
70026986.2	10055761.1	9	73	40072513.2	12 Тур	Сони: 119	Сумма: 100	Халтадан чиқмаган шарлар:
2 Тур	3 Тур	42	88	80039451.1	75	Сумма: 600	23 Тур	3,
38	78	Сони: 3	22	7 Тур	Сони: 11	18 Тур	67	6,
29	16	Телевизор	Сони: 2	24	Сумма: 1200	27	Сони: 1477	13,
11	76	Чипталар	Сумма: 2000000	Сони: 3	13 Тур	Сони: 132	Сумма: 100	33,
41	17	рақами	Чипталар	Сумма: 5000	57	Сумма: 500	24 Тур	79,
21	52	30057397.2	рақами	8 Тур	Сони: 19	19 Тур	10	84
70	77	50038621.1	20102369.3	56	Сумма: 1000	20	Сони: 2325	
15	55	70082132.3	30098356.3	Сони: 4	14 Тур	Сони: 229	Сумма: 100	
65	63	4 Тур	5 Тур	Сумма: 4000	80	Сумма: 400		
58	5	90	45	9 Тур	Сони: 23			

"Яхши Ният" телевизион уй-жой пул-буюм лотереясининг 2003 йил 27 февралдаги 110- тиражида ўйналадиган супер-ютуқлар:

Ютуқлар ҳар чоршанба соат 14.00 дан кейин ютуқли чипта кўрсатилган заҳоти "Лаура" ХФ сида берилади. Манзил: Тошкент шаҳри, Шевченко кучаси, 8 уй. Мўлжал: "Украинка" дўкони. Тел: 8(3712) 56-25-54, 56-26-60.

Пул ютуқлари Миробод тумани Халқ банки бўлимлари ҳамда "Лаура" ХФсида ва чипта тарқатувчилар томонидан берилади.

"ЯХШИ НИЯТ" телелотереяси чипталарини газета дўконларидан ва чипта тарқатувчилардан олиш мумкин.

"ЯХШИ НИЯТ" телелотереясининг ўйинлари ҳар ҳафтанинг пайшанба куни соат 18.30 да ЎзТВнинг 1-канали орқали намойиш этилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2000 йил 27 октябрдаги 400-сонли лицензияси.

Газетанинг навбатдаги сони 6 февраль, пайшанба куни чиқади.